БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 266 (16.652). | 12 ноябрь 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ТЕРИМИ ҚАҲРАМОНЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта йиғим-теримни ва давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1976 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаги якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Самарқанд областида** (область партия комитетининг секретари Б. Р. Раҳимов, область ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Т. Йўлдошев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи Р. Н. Ермаков, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси А. М. Аракелов, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи О. Г. Фарадьяч, область комсомол комитетининг секретари С. Аҳмедов) қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 98,73 процент, шу жумладан машина терими планини 98,33 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 9,38 процент кўпайтиришни таъминлади.

Кўчма Қизил байроқ **Қорақалпоғистон АССРда** (область партия комитетининг секретари Қ. Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. Ешимбетов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуротов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги министри С. Туремуратов, Қорақалпоғистон «Заготхлопкотрест» бошқарувчиси А. Худайбергенов, «Ўзсельхозтехника» Қорақалпоғистон бирлашмасининг раиси А. Примов, суғориш системалари Амударё дельта бошқармасининг бошлиғи С. Жаманкораев, область комсомол комитетининг секретари К. Дошимбоев) қолдирилди. Автоном республика пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 99,59 процент, шу жумладан машина терими планини 93,13 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 9,36 процент кўпайтиришни таъминлади.

Кўчма Қизил байроқ Самарқанд областининг **Оқдарё районига** (район партия комитетининг секретари А. Ғайбуллаев, район ижроия комитетининг раиси А. Ҳабибов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. Мамараҳимов, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Т. Эрманов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Б. С. Крючков, район комсомол комитетининг секретари О. Абдуллаев) берилди. Бу район пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 97,08 процент, шу жумладан машина терими планини 103.97 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 13,02 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Самарқанд областининг Булунғур районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССРнинг **Ленинобод районига** (район партия комитетининг секретари Я. Р. Қурбонов, район ижроия комитетининг раиси А. Полвонниёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Д. Утебоев, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси О. Матниёзов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Д. Сарибоев, район комсомол комитетининг секретари Ж. Мамутов) берилди. Бу район пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 90,69 процент, шу жумладан машина терими планини 83,99 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 11,92 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Қорақалпоғистон АССРнинг Кўнғирот районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё областининг **Ульянов районига** (район партия комитетининг секретари С. Ражабов, район ижроия комитетининг раиси А. Турсунов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи М. Сиддиқов, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Э. Ҳазратқулов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ш. Чориев, район комсомол комитетининг секретари Х. Қурбонов) берилди. Бу район пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 102,62 процент, шу жумладан машина терими планини 104,46 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 8,15 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Қашқадарё областининг Нишон районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё областининг **Косон районига** (район партия комитетининг секретари М. Самадов, район ижроия комитетининг раиси Д. Ғаффоров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Н. Раҳмонов, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси А. Орзикулов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ю. Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари Г. Зубайдуллаева) берилди. Бу район пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий йиллик планини 91,38 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 9,15 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Сурхондарё областининг Гагарин районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССР, Беруний районидаги **«Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозига** (совхоз директори Р. Бекетов, партия ташкилотининг секретари Н. Шунбоев, ишчилар комитетининг раиси С. Қаллиев, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Эгамбоев) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 105,7 процент, шу жумладан машина терими планини 77,68 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 17,17 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли районидаги «Амударё» совхозидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё область «Ульянов» районининг қўриқдаги **«Партия XXIV съезди» совхозига** (совхоз директори М. Гажиев, партия ташкилотининг секретари Т. Эгамбердиев, ишчилар комитетининг раиси А. Рўзиқулов, комсомол ташкилотининг секретари Э. Худойқулов) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 111,22 процент, шу жумладан машина терими планини 76,43 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 18,98 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Қашқадарё область, Ульянов районидаги 24-совхозидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Сурхондарё область, Гагарин районидаги **«Советобод» совхозига** (совхоз директори И. Ҳолматов, партия ташкилотининг секретари А. Ҳамроев, ишчилар комитетининг раиси Э. Қурбонов, комсомол ташкилотининг секретари Ҳ. Абдиева) берилди. Бу совхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий йиллик планини 95,78 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 10,21 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Сурхондарё область, Термиз районидаги «Талимарон» совхозидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Самарқанд область, Оқдарё районидаги **К. Маркс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси И. Невараев, партия ташкилотининг секретари О. Очилов, комсомол ташкилотининг секретари И. Жабборов) берилди. Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий йиллик планини 105,18 процент, шу жумладан машина терими планини 75,93 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 21,68 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги Охунбобоев номли колхозидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё область, Косон районидаги **Энгельс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси К. Амиров, партия ташкилатининг секретари Ш. Файзиев, комсомол ташкилотининг секретари Б. Бегимов) берилди. Бу колхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий йиллик планини 81,42 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 10,73 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Қашқадарё область, Косон районидаги Воровшилов номли колхозидан олиб берилади.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Андижон областининг пахтакорлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашидаги маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини амалга ошириб, пахтачиликни интенсивлаштириш йўлидан изчиллик билан бориб, илғор тажриба ва қишлоқ хўжалиги фани эришган муваффақиятлардан фойдаланиб, экин майдонларининг илмий асосланган структурасини жорий этишни ирригация-мелиорация ва ташкилий тадбирлар билан мувофиқлаштириб олиб бориш чораларини астойдил амалга оширганликлари ва фидокорона меҳнат қилганликлари натижасида пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Пахтакорлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида олинган мажбуриятларни бажариш, мавжуд техникадан ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ноқулай об-ҳаво шароитларини енгиб, етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олмоқдалар ва пахта тайёрлаш умумий йиллик планини муддатидан илгари 11 ноябрда бажардилар.

Давлат тайёрлов пунктларига 595 минг тоннадан знёд пахта топширилди.

Ленин, Марҳамат, Избоскан, Хўжаобод, Комсомолобод, Қўрғонтепа ва Бўз районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш умумий планини бажарганликлари тўғрисида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Марҳамат, Ленин, Избоскан, Хўжаобод, Қўрғонтепа районларининг колхоз ва совхозлари социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Областнинг бошқа районлари ҳам пахта тайёрлаш планининг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Ленин районидаги «Правда Востока», Хўжаобод районидаги Куйбишев номли, Бўз районидаги Энгельс номли ва бошқа колхозларнинг пахтакорлари гектаридан 40-43 центнердан ҳосил кўтардилар.

Механизаторлар пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Область хўжаликларида пахтани машинада йиғиштириб олиш плани 104,6 процент бажарилди. 283 минг тоннадан кўпроқ пахта «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Валижон Қорабоев, Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозидан Эргашвой Эшонов, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозидан Хабибулло Абдуллаев, Бўз районидаги К. Маркс номли колхоздан Баҳромжон Расулов ва бошқалар мавсумда ўз машинасида 320-530 тонна пахта териб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Шаҳарларнинг меҳнаткашлари, шунингдек студентлар ва ўқувчилар пахта ҳосилини йиғиштириб олишда катта ёрдам бердилар.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, картошка, гўшт, тухум, жун, пилла, сотиш йиллик планларини ҳам анча ортиғи билан бажардилар. Сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўтган йилдагига нисбатан анча кўп тайёрланди.

Эришилган меҳнат ғалабаси колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлов органлари ходимлари ва мутахассисларининг фидокорона меҳнати натижаси, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий иш натижасидир.

Андижон областининг меҳнаткашлари йиғим-терим ишларини қисқа муддат ичида ва пахтанинг сира нобуд бўлишига йўл қўймай тамомлаш тадбирларини кўрмоқдалар, улар область бўйича пахта тайёрлаш ҳажмини 620 минг тоннага етказишга, 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни энг яхши агротехника муддатларида амалга оширишга, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга астойдил қарор қилгандирлар.

Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари социалистик мажбурият ҳисобига давлатга пахта топширишда пешқадамлик қилмоқдалар. Моҳир теримчилар ва механизаторлар хўжалигининг катта хирмонига барака киритишяпти. «Зангори кема» капитанлари ўртасида бошланган мусобақада Эргаш Оллоёров ғолиб чиқмоқда. Мавсумда У машина бункеридан 300 тоннадан ошириб пахта тўкиш мажбуриятини олган эди. У ҳозиргача 250 тоннадан кўпроқ дур терди.

Суратда: Э. Оллаёров.
Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, фан ва илғор тажриба ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиб, фидокорона меҳнатлари билан мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Автоном республика колхоз ва совхозлари етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олмоқдалар ва ноқулай об-ҳаво шароитларини енгиб, давлат тайёрлов пунктларига 355 минг тоннадан кўпроқ, шу жумладан машина билан терилган 202 минг тонна пахта етказиб бериб, пахта тайёрлаш умумий йиллик планини муддатидан аввал, 11 ноябрда бажардилар.

Қорақалпоғистоннинг ҳамма районлари пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар, Тўрткўл, Амударё, Беруний, Хўжайли, Қўнғирот, Қораўзак ва Тахтакўпир районларининг пахтакорлари эса планни бажарганликлари тўғрисида биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Тўрткўл районидаги «Москва», Охунбобоев номли, М. Горький номли, Ленин номли, «Партия XXI съезди» колхозларининг, Хўжайли районидаги Ленин номли, Амударё районидаги «Партия XXII съезди», Беруний районидаги Навоий номли колхозларнинг ва бошқа хўжаликларнинг меҳнатчилари ҳар гектар ердан 42,5-48 центнердан пахта териб олдилар.

Механизаторлар зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари — Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозидан Ҳакимбой Йўлдошев, Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Батабека Омонова, Беруний районидаги Киров номли колхоздан Оллаёр Жуманиёзов, Ленинобод районидаги «Тошкент» совхозидан Жалгас Усенов, Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоздан Донибой Тожиев, Қораўзак районидаги «Москва» совхозидан Райпназар Отажонов, Шуманай районидаги «Правда» совхозидан Шакархон Камолова ва бошқалар мавсумда 200-400 тоннадан пахта тердилар.

Шаҳарларнинг ва район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар пахта ҳосилини йиғиштириб олишда катта ёрдам бердилар.

Қорақалпоғистон қишлоқларининг меҳнатчилари давлатга дон, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, жун, қоракўл тери, пилла сотиш планларини ҳам ошириб бажардилар. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Бу муваффақиятга пахтакорлар, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, тайёрлов органларининг ходимлари, Қорақалпоғистон АССР барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасида, Автоном республиканинг партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари натижасида эришилди.

Пахта терош ва тайёрлаш давом этмоқда.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари пахта йиғим-теримини ҳосилнинг сўнгги кўрагигача қисқа муддатларда тугаллашга, пахта тайёрлашни 380 минг тоннага етказишга, бошқа қишлоқ хўжалик экинларини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга азми-қарор қилганлар.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллигининг биринчи йили социалистик мажбуриятларини бажариш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, ерларни ирригациялаш ва мелиорациялаш, техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан партия белгиларни йўлни изчиллик билан амалга ошира бориб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Область пахтакорлари ҳосил теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, пахта тайёрлаш умумий йиллик планини муддатидан олдин, 11 ноябрда бажардилар. Давлатга 415 минг тонна ҳосил, шу жумладан 58 минг тонна қимматли ингичка толали пахта навлари сотилди.

Областнинг ҳамма районлари пахта тайёрлаш планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар, Ғузор, Қарши, Шаҳрисабз, Ульянов ва Қамаши районларининг меҳнатчилари эса пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Ғузор районидаги К. Маркс номли ва Ленин номли, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли ва «Партия XX съезди», Косон районидаги Калинин номли колхозларда ва кўпгина бошқа хўжаликларда мўл пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

Механизаторлар астойдил меҳнат қилдилар. Пахтани машинада териш плани 101,54 процент бажарилди. «Зангори кема»ларнинг бункерларидан 198 минг тоннадан кўпроқ пахта тўкилди. Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари — Косон районидаги «Ленинград» совхозидан Хонкелди Ҳолиқов, Ульянов районидаги «Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» совхозидан Ойқиз Рахимбердиева ва Ойдин Бегматова, Ғузор районидаги Ленин номли колхозидан Ҳолмирза Қўйчиев, Нишон районидаги «Пахтакор» совхозидан Муаббар Ғуломова, Қарши районидаги «Ленинизм» совхозидан Замира Файзиева ва бошқалар социалистик мусобақанинг олдинги сафида бориб, ўз машиналарида 200-400 тоннадан пахта тердилар.

Шаҳарлар, район марказларининг меҳнаткашлари студентлар ва ўқувчилар пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда катта ёрдам бердилар.

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, картошка, пилла тайёрлаш планларини ҳам бажардилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Пахта терош ва тайёрлаш давом этмоқда.

Қашқадарё пахтакорлари ноқулай келган об-ҳаво шароитларини енгиб, етиштирилган бутун пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сира нобуд қилмай териб олишга, пахта тайёрлашни 450 минг тоннага етказишга, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга қарор қилдилар.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

Қуйи Чирчиқ райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажара бориб, пахтачиликка техника тараққиётини изчиллик билан жорий этиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ноқулай об-ҳаво шароитларини енгиб йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар ва давлатга пахта сотиш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари, 9 ноябрь куни бажардилар.

Давлат тайёрлов пунктларига 62 минг 320 тонна «оқ олтин» ёки пахта тайёрлаш умумий йиллик планидагига нисбатан 10,7 минг тонна кўп пахта топширилди. Ҳар гектар майдондан 41 центнердан ҳосил кўтарилди. «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози, «Победа», Энгельс номли, «Заря коммунизма», Ленин номли, «Ленинград», Свердлов номли, «Москва» колхозларнинг пахтакорлари гектаридан 42-45 центнердан пахта териб олдилар.

Киров номли колхоз, «Коммунизм», Волков номли совхозларнинг пахтакорлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бу хўжаликлар давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Район механизаторлари шонли меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар терим техникасидан самарали фойдаланиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, «Зангори кема»ларнинг бункерларидан хирмонга 57 минг 572 тонна пахта топширдилар, умумий тайёрлаш ҳажмига нисбатан машиналарда пахта териш салмоғини 93 процентга қадар етказдилар.

Киров номли совхоз (Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув хўжалиги) коллективи йиғим-терим пайтида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига пахта тайёрлаш умумий йиллик планини тўққиз иш кунида бажариб, давлатга ўтган йилдагидан 1900 тонна кўп пахта сотди.

Пахта терош машиналарининг илғор механик-ҳайдовчилари — «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, «Ленинград» колхозидан, Сафар Худойберганов, «Заря коммунизма» колхозидан Алижон Нурохунов, Киров номли колхоздан Усар Лесбоев, Свердлов номли колхоздан Саттор Музаффаров ва бошқа кўпгина кишиларнинг ҳар бири машинада 200 тоннадан ва ундан знёдроқ пахта териб берди.

Район меҳнаткашлари давлатга ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, каноп, пилла сотиш социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар. Гўшт, сут, тухум, узум тайёрлаш йиллик планлари анча ортиғи билан бажарилди.

Эришилган бу муваффақиятлар — колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлов ташкилотлари ходимларининг, райондаги барча меҳнаткашлар фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Қуйи Чирчиқ райони қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари далаларда меҳнат ғайратини сусайтирмай пахта ҳосилини сўнгги чаноғигача йиғиштириб олишга, келгуси йил ҳосили ва чорва қишлови учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада; тўртинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, бешинчи устун — шу жумладан машинада.

ТОШКЕНТ	0,47	0,13	107,61	118,02
СУРХОНДАРЁ	0,43	0,27	102,48	111,68
Андижон	0,27	0,21	99,88	105,02
Қашқадарё	0,61	1,12	99,76	100,86
ҚҚАССР	0,67	0,69	99,59	93,13
Жиззах	0,55	0,62	98,86	99,32
Самарқанд	1,06	1,18	98,73	98,33
Наманган	0,23	0,15	92,24	102,67
Сирдарё	0,47	0,09	92,20	101,87
Фарғона	0,50	0,55	92,01	77,85
Бухоро	0,39	0,59	90,05	85,24
Хоразм	0,66	1,13	82,89	83,00
Республика бўйича:	0,50	0,54	96,24	98,47
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,58	—	86,71	—
Қашқадарё	1,38	—	84,00	—
Наманган	0,16	—	74,89	—
Бухоро	0,84	—	57,30	—
Республика бўйича:	0,80	—	83,82	—

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА ЧИҚИШДИ

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герек бошчилигидаги Польша Халқ Республикасининг партия-давлат делегацияси 11 ноябрь куни Москвадан Олмаотага жўнаб кетди.

Минг-минглаб москваликлар қардош социалистик мамлакат делегациясини кузатиш учун пойтахт кўчалари ва майдонларига чиқдилар. Кремлдан аэродромга боравершда Л. И. Брежнев, Э. Герек, А. Н. Косигин, П. Ярошевич ўртоқларни, бошқа Совет ва Польша раҳбарларини самимий табриклаб турдилар.

ПХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Қуроллі Кучларнинг уч туридан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ Э. Герекка рапорт берди. ПХР билан СССРнинг давлат гимнлари ижро этилди. Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқлар совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Тантанали маросим охирида фахрий қоровул саф тортиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев самолёт зинапояси олдида ўртоқ Э. Герек билан, делегация аъзолари билан қардошларча самимий хайрлашдилар.

КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Ю. Н. Черняков, СССРнинг ПХРдаги элчиси С. А. Пилотович ПХР делегациясининг мамлакат бўйлаб қиладиган сафарида унга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

* * *

Ўртоқ Э. Герек бошчилигидаги ПХР партия-давлат делегацияси шу куни Олмаотага етиб келди. Аэропортда делегацияни КПСС Марказий Қўмитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, республика Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Ниёзбеков, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Қозоғистон пойтахтининг меҳнаткашлари қардош мамлакат вакилларини самимий табрикладилар.

(ТАСС).

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КОМСОМОЛОБОД. КПСС XXV съезди қарорларини турмушга татбиқ этаётган кўриқ Комсомолобод райони пахтакорлари ўнинчи беш йиллигининг дастлабки йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ажойиб ғалабани қўлга киритишди. Она-Ватан хирмонига 27057 тонна «оқ олтин» топширилиб, социалистик мажбурият муддатидан илгари адо этилди. Ҳосилнинг 70 процентидан знёди «зангори кема»лар билан йиғиштириб олинди. Районда машина терими плани 139 процент ўдаланди.

Эришилган ғалабага «В. И. Ленин 100 йиллиги», «СССР 50 йиллиги», «Партия XXIV съезди» ва «Дўстлик» совхозларининг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшишди. Район пахтакорлари Ватан хирмонига яна 1000 тонна «оқ олтин» етказиб бериш ниятиёқида меҳнат қилишяпти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ИБРОҲИМ РАҲИМ (И. А. РАҲИМОВ)ГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи **Иброҳим РАҲИМ** (Иброҳим Абдураҳимович Раҳимов)га «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1976 йил, 11 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Самарқандаги «26 Боку комиссари» шойи тўқув фабрикасининг кўплаб ишчилари 1977 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. Уларнинг бири — корхона йигирув-тайёрлов цехининг илғор ишчиси Махфират Муродова. Суратда: «Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» меҳнат вахтасининг актив иштирокчиси М. Муродова.

Т. Каримов фотоси.

ҚУРИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИ УЧУН!

Республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари КПСС XXV съездининг тез, тежамли ва замонавий техникавий асосда қуриш ҳақидаги қарорларига иш билан жавоб қайтариб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли тугаллаш, ишга туширилиадиган барча объектларни, уй-жойлар, мактаблар, болалар ва даволаш муассасалари ҳамда бошқа маданий ва маиший муассасаларни ишга туширишни таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Талай миқдордаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳозирдаёк ишга туширилди, 1975 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Республикадаги асосий пудратчи министрликлар ва идоралар-нинг ишларини қуйидаги кўрсаткичлардан кўриш мумкин:

	Планнинг бажарилиши процент ҳисобида		
	январь-октябрь ойларида	1976 йилнинг октабрида	1976 йилнинг январь-октябрь ойларида 1975 йилнинг январь-октябрь ойларидагига нисбатан
Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги	101	100	105
Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	102	100	106
Узбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	104	101	104
«Главташкентстрой»	100	100	100
«Узколхозстрой»	102	105	110
Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	105	99,7	106
«Узглавводстрой»	107	110	99
Узбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлиги	107	111	109
«Главсредазирсовхозстрой» (Узбекистон ССР территорияси бўйича)	102	100	104

Шу билан бир қаторда баъзи министрликлар ва идоралар қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажми юзасидан планни тула ва ошириб бажарганлари ҳолда ишга туширилиадиган ишлаб чиқариш объектларида, уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ-техника билим юртларида ишни суст олиб бормоқдалар.

Масалан, Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги Нукусдаги ишга туширилиши лозим бўлган нон заводида, Урганчдаги ёғ экстракция заводида, Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводида, уй-жой қурилишида, шунингдек Бухоро, Самарқанд ва Хоразм областларида зилзила оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бўлган ишларда қолокликка йўл қўйди.

Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ҳам уй-жойлар, мактаблар, болалар муассасаларини қуришда анча оркада қолишга йўл қўйди. Нукус паррандачилик фабрикасини, Тошкент областининг «Янгиобод» совхозида чорвачилик сут комплексини, шунингдек Бухоро областида зилзила оқибатларини тугатиш билан боғлиқ объектларни ишга туширишни таъминламади.

«Главташкентстрой» ишга туширилиши планлаштирилган уй-жойларни, бир қанча саноат, социал ва маданий-маиший объектларни ишга туширишни таъминламади. «Главташкентстрой» йил охиригача қолган вақт ичида йиллик планда белгиланган уй-жойларнинг учдан бир қисмини ишга тушириши лозим.

Навоий қурилиш бошқармаси Навоий цемент заводининг биринчи навбатини, Когон оҳак заводида қувватларни, Ғозғон тошйўниш комбинатидаги объектларни белгиланган муддатда ишга туширишни таъминламади.

«Главсредазирсовхозстрой» суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишда колокликка йўл қўйди. Сирдарё паррандачилик фабрикасини ишга туширишни таъминламади.

Айрим буюртмачи министрликлар ва идоралар, шу жумладан Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, Узбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги, Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узплодоовощвинпром», Бутуниттифоқ «Главхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар ишга туширилиадиган объектларни шу вақтгача ускуналар, махсус материаллар ва кабель маҳсулоти билан таъминламадилар.

Йилнинг тугашига икки ойдан кам вақт қолди. Ҳозирги вақтда қурувчилар, монтажчиларнинг ҳар бир коллективи учун ишга туширилиадиган объектларни малакали ишчилар билан, қурилиш техникаси билан таъминлаш, бинокорлик материаллари ва конструкцияларнинг уз вақтида ва аниқ етказиб берилишини таъминлаш энг асосий масаладир.

Буюртмачи министрликлар ва идораларнинг коллегиялари ишга туширилиадиган объектларнинг иши устидан доимий назорат ўрнатишлари, ноябрь ойида уларни ускуналар, кабель маҳсулоти, фойдаланувчи кадрлар билан шундай таъминлашлари керакки, токи бу кадрлар ускуналарни монтаж қилиш ва созлашда иштирок этсинлар.

Ишловчиларнинг умумий меҳнат қилиши ва нормал дам олиши учун зарур шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, бу масалага алохида эътибор бериш зарур.

Область, шаҳар ва район партия ташкилотлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ишга туширилиадиган ҳар бир объектдаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқишлари, қурувчиларга, монтажчиларга ва ишлатувчиларга зарур ёрдам беришлари, шу жумладан маҳаллий меҳнат ресурслари ҳисобидан малакали ишчилар билан кўмаклашишлари лозим. Мусобақа катнашчиларининг кучғайратини келишиб олинган иш графигини бажаришга қаратиш, кучларни ишга туширилиадиган объектларга тўплаш учун қатъий қураш олиб бориш зарур.

«Планлаштирилган объектлар ўз вақтида ишга туширилиши лозим!» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети октябрь Пленумида айтган ана шу сўзлари ҳар бир меҳнат коллективи учун ҳаракат программаси бўлиши керак.

ПОРТУГАЛИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Португалия Компартиясининг VIII съездида қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев (делегация раҳбари), КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари В. В. Загладинлардан иборат КПСС делегацияси Португалия Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 10 ноябрь куни Москваден Лиссабонга жўнаб кетди.

Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг халқаро бўлими мудирининг ўринбосари А. С. Черняев, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосарлари К. Н. Брутенц ва В. С. Шапошников, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари кузатиб қолдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегацияси шу куни Лиссабонга етиб келди.

Лиссабон аэропортида КПСС делегациясини ПКП Бош секретари Алваро Куньял, ПКП Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси Сержиу Виларигеш, шунингдек СССР-нинг Португалия Республикасидаги элчиси А. И. Калинин кутиб олдилар. (ТАСС).

ИБРОҲИМ РАҲИМ—60 ЁШДА

ЗАМОН КУЙЧИСИ

Бугунги ўзбек совет адабиётининг таниқли вакилларидан бири Иброҳим Раҳимнинг ижоди маданиятимиз хазинасидан ўзига муносиб ўрин эгаллаган. 1916 йилда Фарғона область, Қува районининг Сойкелди қишлоғида дунёга келган адиб аввало қишлоқ мактабида ўқиди. Сўнг ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб, ёш авлод тарбияси билан шуғулланди. Адиб ижоди учун яхшигина ҳаётий материал берган бу фаолият 1934 йилгача давом этди.

1934 йилдан то шу кунгача бошқа бир ижод университети — журналистика билан машғул. «Колхоз йўли» республика газетасида қаламкашлик қила бошлаган И. Раҳим совет матбуоти саҳифасида адиб сифатида шаклланди. 1939 йилдан буён Коммунистик партия аъзоси бўлган ижодкор бу орада партия йўлланмаси билан матбуот соҳасида кўп йил хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида фронтдаги ўзбекча газеталарда қатнашди. Сўнгра республика радиокомитетида эшиттиришлар тайёрлади. «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Гулистон» журнали саҳифаларида ҳам унинг анча имзоси бор. У «Ўзбекфильм» киностудиясининг раҳбари, «Наштар» сатира киножурналининг бош муҳаррири, «Литературная газета»нинг Узбекистондаги мухбири лавозимларида ишлади. Бугун эса «Муштум» журналининг бош муҳаррири.

Журналистика Иброҳим Раҳимни сиёсий актуал мавзуларни топа олишга, ижодда партиявий принципиалликка, ҳаёт оқимини тез тушунишга, оператив ижод қилишга ўргатди.

Иброҳим Раҳим ҳаётининг бир қисми Совет Армияси билан боғлиқ. Улуғ Ватан урушидан бир неча йил аввал армия сафига чақирилган адиб то 1940 йилгача Совет Армиясида хизматда бўлди. Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидаёқ қўлига қурол олиб, армияда сиёсий-тарбиявий ишларда иштирок этди. Илк бор бадиий ижодни ҳавас қилиб, қўлига қалам олганда ҳам у солдат шинелида эди.

Унинг 1939 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилган «Баҳодир» сарлавҳали поэмаси бундай бошланар эди:

Чегарадан
ва чекистлардан
Салом, салом
Боғу бўстонга.
Чегарада ёзганим достон
Совға бўлсин,
Тўёна бўлсин
Ун беш яшар Узбекистонга.

Чиндан ҳам бу илк поэма муносиб тўёна бўлди. Узбекистоннинг ўн беш йиллиги муносабати билан республика Ёзувчилар союзи уюштирган бадиий асарлар конкурсида у иккинчи мукофотга сазовор деб топилди. Ана шундай қилиб, жиддий ижод китобининг сарлавҳаси қўйилган эди.

Улуғ Ватан уруши арафаларида маҳаллий газета ва журналларда Иброҳим Раҳимнинг бир неча ҳикоялари босилиб чиқди. Ҳали бадиий жиҳатдан у қадар пишиқ бўлмаган илк ҳикоялар келажакдаги катта ижоднинг муқаддимаси эди. Адибнинг илк ҳикояларидан намуна сифатида «Чегарадан ўтган думсиз ит», «Шовлани ковлаганда» каби асарларини эслатиб ўтиш мумкин.

Улуғ Ватан уруши йилларида Иброҳим Раҳимнинг ҳам ижоди фронт оловларида пишди. Уша даврдаги адабиётининг умумий темаси бўлган ватанпарварлик ғояси адибнинг «Партизанка» ҳикоясида ҳам «Узбекистон танклари Германия юрагида» деб сарлавҳаланган очеркида ҳам ва бошқа шу даврдаги ижодига оид асарларида ҳам таъсирли тасвирланган. Бу даврдаги ҳаёт кузатишлари унинг кейинроқ ёзилган ўзбек халқи фарзандларининг Улуғ Ватан урушидаги фронтларидаги қаҳрамонликларини улуғловчи «Чин муҳаббат» романига материал бўлди.

Иброҳим Раҳимнинг бадиий қобилияти Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда етилди, бу даврга келиб унинг ўзига хос хусусиятлари яққолроқ намоён бўла бошлади. Шу хусусиятлардан бири сифатида таъкидлаб ўтиш керакки, Иброҳим Раҳим замонавий мавзуни диққат марказига қўйган адиб.

Урушдан сўнгги давр ўзбек адабиётида очерк жанрининг ривожланишида Иброҳим Раҳимнинг ҳам хизматлари бор. Хусусан, чет элларда бўлар экан, у ерда кўрганларини ўзбек ўқувчилари билан баҳам кўришга шошилди ва Ҳиндистон, Югославия каби мамлакат халқлари ҳақида асарлар ёзди.

Иброҳим Раҳим очеркнавис сифатида фақат йўл очерклари билангина эмас, балки қишлоқ хўжалик мавзуидаги проблематик очерклари билан ҳам ўқувчилар оммасига танилган. Адибнинг ўша хил асарларидан «Механизаторнинг ўйлари», «Жонкуяр» кабиларни эслатиб ўтиш мумкин. Бу асарларда унинг яна бир ижодий фазилати кўриниб турибди. У ҳам бўлса, ҳаётда пайдо бўлган прогрессив янгиликни топа билиш ва уни ўз вақтида ҳимоя қила билиш қобилиятидир. Унинг 1953 йилда босилиб чиққан очерклар китоби «Янгилик курткалари» деб аталарди.

Адибнинг ҳикоя ва очеркда орттирган ижодий тажрибалари кейинроқ унинг йирик ва эпик асарларга кўчиши учун қулайликлар яратиб берди. Айни вақтда автор шуни яхши тушунадики, кичик эпик асарлардаги конкретликлар умумлаштирмай туриб, йирик асарлар ёзиш мумкин эмас. Шу борадаги интилишлар тарзида унинг ижодида публицистик мақола ва очерклар пайдо бўлди.

Иброҳим Раҳимнинг урушдан сўнгги давр ҳикоя, очерк ва публицистик мақолаларининг ҳаммаси ҳам бирдек савияда ёзилган эмас. Улардан айримлари ўз вақтида ҳақли танқидга ҳам учраган. Аммо шуни тўла асос билан қайд қилиш керакки, бу даврда адиб жиддий ижодий эволюцияни бошидан кечирди, ўзи ихлос қўйган ижодий жанрларнинг ички қонуниятларини чуқурроқ ўрганди, асарларининг тили устида қунт билан ишлади. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, унинг фикрини равшанлаб, қаламини қайраб берди. Натижада Иброҳим Раҳимнинг кейинги йилларда яратган «Қўшкечик» очерки ижоддаги партиявийлик, оперативлик ва бадиийликнинг ижобий намуналари қаторида қайд қилинишга сазовор.

Ҳар бир адибнинг ўзига жуда маъқул, севимли ва айни вақтда яхши биладиган мавзуси бўлади. Иброҳим Раҳимнинг шундай мавзуси ўзбек пахтакорларининг шу кунги ҳаётидир. У граммлардан миллион-миллион тонналар бунёд қилувчи мард инсонларни яхши кўради, ҳикояларида ўшаларни улуғлайди. Пахтакорларнинг ҳаётдаги қийинчиликларини яхши билади, проблематик очеркларида шу муаммоларни ҳал қилишга ўз овозини қўшади. Унинг бош қаҳрамонлари — Турсуной Охунова ва унинг дугоналари, унинг тасвир объекти — Завод Кўчиев ва унинг жадвали. Унинг энг яхши асарлари «Зангори кема» капитанларига бағишланган.

У колхоз меҳнатини тўғри уюштириш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш ва шу борадаги ўз мулоҳазаларини «Ҳилола» қиссасида баён қилди. Бадиий жиҳатдан анча пишиқ бўлган бу асарда автор колхоз бухгалтери Ҳилола билан, унинг ҳаётдаги ортиқча исрофгарчиликка аёвсиз бўлган қарашлари билан колхоз хўжалигини кўздан кечирди ва бир қанча фойдали таклифларни ўртага қўйди. Тўғри, баъзи таклифлар мунозарали, аммо бош қаҳрамоннинг ташаббуси ва шижоати, ҳаётга муносабати принципиал ва дадиллиги, янгилик излаш хусусияти таҳсинга сазовор. Шунинг учун ҳам «Ҳилола» қиссаси, шубҳасиз, урушдан сўнгги давр ўзбек прозасининг муҳим ютуқларидан биридир.

Иброҳим Раҳимнинг ўзбек деҳқонларининг урушдан кейинги давр ҳаёти ва меҳнатидан ҳикоя қилувчи энг йирик асари «Ҳаёт булоқлари» деб аталган эди. Сўнгра атор уни матбуотда айтилган танқидий мулоҳазалар асосида қайта ишлади ва «Ихлос» сарлавҳаси билан нашр эттирди.

Адибнинг шу мавзу бўйича олиб борган ҳаёт кузатишлари мазкур романда ўзининг тўла ифодасини топган. Айниқса, ҳаётда туғилаётган янги ҳодисаларни адабиётга киритишга автор кўп уринган. Асарнинг бош қаҳрамонлари район партия комитетининг секретари Саодат Муродова, фан кандидати ва колхоз раиси Комилжон, илғор колхозчи қиз Анор-хон каби образлар шу кунги ҳаётимизнинг энг илғор намояндаларидир.

Иброҳим Раҳим изланувчан адиб. У ҳаётдаги етакчи темаларни чуқур ўрганади ва уларни имкон борича тез ҳамда кенг ёритишга интилади. Бухоро атрофида беҳисоб газ конларининг очилиши ва бу ҳодисанинг республикамиз экономикасида тутган ўрни кабилар адибга катта илҳом бағишлади. У мазкур темани чуқур эгаллашга киришди. Аввал айрим очерклар ёзди, публицистик мақолаларида бу темаларнинг учини топиб олди. Сўнгра унинг «Оловкор» қиссаси ўқувчиларга етиб келди. Бу асар рус тилига ҳам таржима қилиниб, адибнинг номини иттифоқимиз миқёсида машҳур қилди. Адиб худди шу мавзуда ҳужжатли фильм яратишда ҳам актив қатнашди. Ва ниҳоят шу тема «Тақдир» романида кенг ва атрофлича ишланди.

Кекса ва ёш авлод замондошларимизнинг тўлақонли образи яратилган бу романда ҳаёт йўллари ҳар хил бўлса ҳам бир тақдир ипи билан боғланган совет кишилари мадҳ этилади. Худди шулар вакили бўлган Ягона, Бардош, Дадашев каби образлар ҳаётий ва бадиий жиҳатдан пишиқ, улар ўқувчида ўзига симпатия уйғота олади. Совет кишисининг бахтли тақдири Сурхонбойнинг ҳаётидаги саргузаштлари билан солиштирилганда янада ёрқинроқ очилади.

Бу асар ўзбек совет адабиётининг ҳозирги замон муваффақиятларидан бири бўлиб, у марказий нашриётлар томонидан кўп минг сонли тираж билан нашр этилгани ҳам тасодифий ҳол эмас, балки, бу ҳол асар умумсовет адабиётида ҳам эътиборга сазовор романлардан бири эканлигини кўрсатади.

Шуларнинг барчаси Иброҳим Раҳим ўзининг энг яхши асарлари билан ўзбек совет адабиётини иттифоқ миқёсига олиб чиққан адибларимиздан бири, деб баҳолашга асос беради.

Сўнгги йилларда Иброҳим Раҳим ижодида ахлоқий проблемалар катта ўрин эгаллай бошлади. Бу унинг «Тақдир» романида ҳам, катта-кичик бошқа асарларида ҳам кўп кўринади. Адибнинг Шуҳрат Аббосов билан ҳамкорликда яратган «Қалбингда қуёш» фильмида эса худди шу проблема диққат марказига қўйилган. Бу фильм тилдаги эмас, дилдаги қуёш мадҳи, инсоннинг безаги — унинг виждони, деган гапни шиор қилувчи картинадир.

Иброҳим Раҳим ўзбек совет адабиётида ҳарбий мавзуни кенг ёритган адиблардан бири. Хусусан, «Мангулик қиссаси» асарида ўзбек халқининг уруш даври қаҳрамонлиги мисолида социалистик тузумнинг бир тарихий даври ёритилади.

Агар бу асарда совет халқларининг дўстлиги темаси ҳарбий материал асосида ёритилса, «Тинимсиз шаҳар» романида худди шу мавзу 1966 йил Тошкент зилзиласи мисолида тасвирланган. Сўнгги асарда замондошларимизнинг анча ёрқин образлари бор. Унинг республика конкурсида ижобий баҳоланганлиги қонуний ҳол. Айни вақтда асарнинг бадиий хусусиятларини мукаммаллаштириш ҳақидаги танқидчиларнинг фикрларида ҳам жон бор.

Собиқ танкист, «Уни Фарҳод дер эдилар» фильмининг сценаристи бўлган адибимиз сўнгги йилларда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида икки асар яратди.

Улардан бири «Жоним фидо» музикали драма бўлиб, замондошимизнинг ёрқин образи яратилган бу драмада психологик тасвир анча кучли. Унда бурч ва муҳаббат проблемаси уруш даври воқеалари орқали ҳал қилинади. Бу асарда ўзбек аёлининг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги қаҳрамонликлари ватанпарварлик ва интернационализмнинг яхши мисоллари сифатида талқин этилган.

«Чақмоқ» Улуғ Ватан уруши йилларида ташкил топган белорус партизан отрядларидан бирининг номи. Унга ўзбек жангчиси Топилдиев командирлик қилади. Асарнинг мавзуи ҳам, кўпгина эпизодлари ҳам, қаҳрамоннинг фамилиясидаги ўхшашлик ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топибалдиевнинг мардона биографиясини эсга солади. Аммо бу ҳужжатли биографик асар эмас. Автор конкрет фактлардан илҳомланиб, воқеаларни умумлаштирган, бадиий ижодда тўқиб қўшиш ҳуқуқидан тўла фойдаланган. Шунинг учун ҳам Иброҳим Раҳимнинг бу драмаси романтик кўтаринки руҳдаги асар бўлиб чиқди.

«Чақмоқ» ва «Жоним фидо» Иброҳим Раҳимни драматург сифатида шуҳратдор қилди. Замондошимизнинг бугунги мардонавор меҳнати яна адибга илҳом берди ва у ўнинчи беш йиллик объектларидан бири Сирдарё ГРЭСи қурувчилари ҳаётидан ҳикоя қилувчи романтик асар яратди.

Иброҳим Раҳим замоннинг муҳим ва актуал мавзуларида ижод қилувчи адиб сифатида, ўзбек прозасини ва киносини Иттифоқимиз миқёсида машҳур қилган адиб сифатида адабиётимиз тарихида ўз ўрнига эга.

Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор, Ҳамза мукофоти лауреати.

ПЛАНЕТАМИЗДА

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ БУЮК РОЛИ ҲАҚИДА «НИН» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БЕЛГРАД, 10 ноябрь. (ТАСС). Югославиянинг ҳафталик «Нин» газетаси қуйидагиларни ёзади: КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқи программа характерига эгадир. Бунинг боиси шуки, бу нутқда СССРнинг ички ва ташқи сиёсати таҳлил қилинибгина қолмай, мамлакатнинг шу беш йиллиндаги тараққиёт планлари ҳам конкретлаштирилди. Бу нутқда совет экономикасини шу беш йиллида ривожлантириш, совет ташқи сиёсий йўли ҳақида берилган таърифлар программавий аҳамиятга эга бўлди.

Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқининг аҳамияти ва салмоғи Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда Бош секретарнинг жуда катта роль ўйнаётганлигини шубҳасиз, акс эттиради. Л. И. Брежнев кейинги йилларда, хусусан КПССнинг 1971 йилда бўлиб ўтган XXIV съездидан кейинги даврда ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам бажариладиган ишларнинг энг оғир қисмини ўз зиммасига олди.

Л. И. Брежнев ички сиёсий ҳаётда жуда актив иш олиб бормоқда. У меҳнат коллективларига тез-тез бориб туради, айрим республикалар партия активларининг йиғилишларида сўзга чиқади, область ва ўлка партия комитетларининг секретарлари билан бевосита амалий алоқа боғлайди ва ниҳоят, ватанпарварларнинг ишлаб чиқариш мусобақасида реал таъсирини кўрсатиб, шаббус билан майдонга чиқаётган илғор коллективлар билан хат ёзишиб туради.

Л. И. Брежнев кейинги йилларда ташқи сиёсат соҳасида капиталистик мамлакатларнинг етакчи давлат арбоблари билан, шунингдек социалистик мамлакатларнинг раҳбарлари билан, капиталистик давлатлардаги Коммунистик партияларнинг раҳбарлари билан олий даражадаги шахсий мулоқотларни кенг ривожлантириб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР ички сиёсий тараққиётидаги ва совет ташқи сиёсатини ишлаб чиқишдаги объектив роли жуда ҳам катта, деб ёзади ҳафталик «Нин» газетаси.

СИНФИЙ КУРАШ ФРОНТЛАРИДА

НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

Қўшма штатларда меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши давом этмоқда. «Дир энд компани» корхоналари ишчиларининг бир ойдан кўпроқ давом этган стачкаси ғалаба билан тугалланди. Меҳнаткашлар нарх-наво ошганлиги муносабати билан иш ҳақини кўпайтиришга, меҳнат шароитларини яхшилашга ва кўплаб ишдан бўшатишни тўхтатишга корхона эгаларини кўндирдилар.

«Сперри рэнд» электротехника корпорациясининг 1.200 ишчиси ҳам муваффақият қозонди. Уларнинг ҳақиқий иқтисодий талаблари янги меҳнат шартномасида эътиборга олинди.

Матбуот хабарларига кўра, АҚШда шу йилнинг 10 ойи мобайнида 4 мингдан зиёд забастовка бўлди. Бу забастовкаларда 2 миллиондан ортиқ киши қатнашган.

Аргентина меҳнаткашлари ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлидаги курашни кучайтирмоқдалар. Қимматчилик авж олганлиги сабабли иш ҳақини ошириш — уларнинг асосий талабидир.

Касаба союз ташкилотларининг 200 дан ортиқ делегати Кордова шаҳрида фавқулодда съезд ўтказди. Бу съезд иш ҳақини қайтадан кўриб чиқишни қатъий талаб этди.

«Кроника» газетасида босилган маълумотларга қараганда, октябрь ойидагина Аргентинада тирикчилик қилиш 8,5 процент ошган. Октябрь ойининг бошида гўшт, сут, дори-дармон ғоят қимматлашган, квартира ҳақи кўпайтирилган. Газета экономика министрлигидан олинган маълумотларни босиб чиқарди.

Испания меҳнаткашларининг забастовка кураши тўхтовсиз давом этмоқда. Ҳозирги вақтда бу забастовкада 100 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. Ишчилар янги меҳнат шартномаларини тузиш, иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш учун курашмоқдалар, меҳнаткашларнинг қаётий ҳуқуқларига монополиялар томонидан қилинаётган ҳужумга қатъиян қарши чиқмоқдалар.

Испаниянинг энг йирик кўмир ҳавзаси Астурия вилоятидаги шахтёрлар икки ҳафтадан буён иш ташлашмоқдалар. Шахталарнинг маъмурияти кон ишчилари томонидан қўйилган талабларни қараб чиқишдан бош тортмоқдалар.

Япония пойтахтида истеъмолчиларнинг 15-миллиоллик конференцияси очилди. Конференция қатнашчилари инфляция ва қимматчиликка барҳам бериш, халқ манфаатларини кўзда тутган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун дарҳол зарур чоралар кўришни ҳукуматдан талаб этдилар. Улар аҳоли кенг табақаларининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бундан буён олиб бориладиган курашнинг йўналишларини муҳокама қиладилар.

Австралиянинг Клайд шаҳри атрофида жойлашган «Шелл» компанияси нефтни қайта ишлаш заводи ишчиларидан 1.100 ишчининг забастовкаси давом этмоқда. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб этмоқдалар. Янги жанубий Уэлъз штатида ўтказилган забастовка натижасида бензин қуядиган станцияларнинг 40 проценти ёпилди.

«БАҲОР» АНГОЛАДА

ЛУАНДА, 9 ноябрь. (ТАСС мухбири). МПЛА раиси, Анголa Халқ Республикасининг Президенти Агостиньо Нетонинг таклифига биноан Узбекистон филармонияси ҳузуридаги Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли АХР мустақиллигининг бир йиллик байрамида қатнашиш учун келди. АХР партия-давлат делегациясининг СССРга визити чоғида шундай таклиф қилинган эди.

Кеча кечқурун Ангола пойтахтининг энг катта «Авиш» кинотеатрида ансамблнинг биринчи концерти бўлди. Анголалик томошабинлар ансамблнинг маҳоратига қойил қолдилар. Бу концертда Ангола ҳалқ озодлик ҳаракатининг (МПЛА) активлари, ишчилар, зиёлилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, дипломатик корпус аъзолари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

«Баҳор» ўз санъати билан инсониятнинг баҳори — Улуғ Октябрь социалистик революциясини шарафлайди, ўз рақсларини эркин меҳнат бахт-саодатига, меҳр-муҳаббат, ёшликка бағишлайди. Томошабинлар Улуғ Октябрь туфайли, КПСС ва Совет ҳукуматининг совет республикалари тўғрисида, СССРдаги қардош халқлар аҳил оиласини ташкил этувчи ҳамма халқлар тўғрисидаги ғамхўрлиги туфайли ўзининг саховатли талантини намойиш қилган ўзбек халқининг туб маданияти билан танишдилар.

Анголалик томошабинлар Узбекистон халқларининг рақсларини: фарғонача, бухороча, уйғурча, хоразмча рақсларни, бошқа кўп хил рақсларни кўрдилар. «Етти сайёра», «Қўғирчоқ», «Қайроқи» рақслари, классик ўзбек рақси ижро этилгач, бутун залда гулдурос қарсаклар кутарилди. Томошабинлар ансамблнинг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти, давлат мукофотларининг лауреати Мукаррама Турғунбоеванни, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР давлат мукофотининг лауреати Валентина Романовани, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Равшаной Шарипова ва бошқа кўпгина артистларни олқишлар билан кутиб олдилар.

Танаффусда М. Турғунбоева ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Ансамблимизнинг вазифаси Узбекистон маданиятининг ютуқлари билан томошабинларни таништиришдан иборатдир. Бундан 59 йил аввал инсоният доҳийси В. И. Ленин раҳбарлигида Улуғ Октябрь революцияси амалга оширилганлиги туфайли шундай ютуқларга эришиш мумкин бўлди. Биз халқлар ўртасида дўстлик, қардошлик ва тинчликни, Советлар мамлакатидаги ҳур меҳнат шодиёнасини тараннум этамиз.

Рақсларимиз миллий, айни маҳалда интернационал рақслардир. Бу жиҳатдан бизда яхши бир анъана бор: ансамблимиз дунёнинг қайси гўшасида бўлмасин, ҳамиша шу мамлакатнинг бир-икки рақсини ўзимиз билан «олиб кетамиз», уни пишиқтириб ўз репертуаримизга киритамиз. Анголада ҳам бу одатимизни тарк этмаймиз.

«Санъат — олижаноб ва инсонпарвар мақсадларга самарали хизмат қилувчи қудратли қурол: у халқлар ўртасида дўстликни ва планетамизда тинчликни мустаҳкамлайди».

АХРда «Баҳор» ансамблининг гастроллари икки ҳафта давом этади. Бу вақт ичида гастроль қатнашчилари Ангола Халқ Республикасининг турли шаҳарлари ва қишлоқларида бўладилар.

Н. СЕМЕНОВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ВАШИНГТОН. АҚШда шу йилги қиш фаслида энергетика танглиги янада кескин тус олиши нутилади. Энергетика масалалари билан шуғулланувчи федерал бошқарма тайёрлаган докладда шундай далиллар бор.**

◆ **БОГОТА. Гондурасдаги помешчиклар ва йирик чорвадорлар қишлоқ аҳолисининг ер ислоҳоти ўтказиш йўлидаги ҳаракатини уюштираётган деҳқонларнинг раҳбарларини ўлдириш планларини тузиб чиқмоқдалар. «Гондурас радиоси» эшиттирган хабарда айтилишича, неча ўнлаб ер эгалари фитнанинг тафсилотини муҳокама қилиш учун Комягуа шаҳрига тўпланган.**

(ТАСС).

„УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ҚИЗ“ИМ ҲАҚИДА

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Ён дафтарларимни титкилаб ўтириб, бир ёзувимга кўзим тушиб қолди. Бир вақтлар дафтар қатига тушган, лекин ошкор қилинмаган мана бу сатрларни айнан кўчириб, сўнг муддаога ўтсам:

...1959 йил 26 октябрь. Эрталаб соат ўн ярим. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ходими, шоир Назармат билан Турсунойни сўроқлаб Чиноз районидаги Киров номли колхозга бордик. У ердаги жавоб мужмал бўлди. Ҳовлисига йўл олдик. Онаси Башорат холага учраштик. Авзойи бежо. «Оқ безор, кўк безор...». Нима гап? Нохуш суҳбатдан ўзини четга олиб турган қизчага мурожаат қилдим. «Опам «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозида пахта теряптилар» деб жавоб қилди қиз. «Опангиз олдига бизни олиб боролмайсизми?» Қизча онасига қаради. Онанинг нигоҳи ерда. Машина тайёр, кетдик! Қиз онасига бир қараб олди-да, бизга эргашди. Бу қизча Турсунойнинг ўртанча синглиси Инобат экан. Йўлим ўнгидан келди. «Бегона» колхоз даласида Турсунойни учратдим. «Нима ташвиш?».. «Томоги қақраб қопти. Технический уход керак бўпти», — деди шпрессга мой қуйиб. Турсуной ҳазилидан ўзи ҳам жилмайди, чап томондаги юқори тишига қопланган кумуш ярқираб кўринди... Бир ёш йигит радиаторга ўтириб қолган чанқларни артмоқда. Билсак, бу йигит қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи Султонбек экан. «Шундай қизни эритибсан, қандингни ур...», «Терган пахтамизми? 200 тоннага яқинлашиб қолди». 200 теримчи ишини бир ўзи бажарибди. Офарин! Табрикладик. Унинг оёғида сариқ ботинка, қора сатиндан шим, мовий жемпер, қулоғида яшил кўз исирға товланарди. Қоши чимирилган, кўз-қовоғи бўртиброк чиққан, истараси иссиқ, ушоқ, жонсарак ўғил болага ўхшаб кетади. Сертабассум. Бола кўтарган қизча келди. Бу Ҳайри, Турсунойнинг кичик синглиси. Ўзи ёш, орқаси тўла қирқ қоқил соч. Қўлидаги қизалоқ машина устидаги отасига тикилиб қолди. Мен билан сўзлашиб турган Турсуной «Муҳаббат!» деб қичқирди. Қизчанинг нигоҳи онасига тушиб, худди йўқотиб қўйганини топгандек «ҳе-ей» деб юборди. «Меҳмон амакиларингни кўрдингми? Салом қани?» дейди бизни қизчасига кўрсатиб Турсуной. Қизча бир менга, бир Назарматга қараб олиб, қўлини қўксига қўйида, таъзим қилиб жилмайди. Шунда унинг паст милкидаги қўшалоқ курак тиши кўринди. Қизалоққа ойниқса қизил жемпер, жингалак сочини босиб турган зангори дуррача ярашган. Тим қора, маъсум кўзи ёнар эди. Қизча онасига талпинди. Турсуной «мойни кўряпсан-ми» деб иккала қўлини кўрсатди. Қиз тан олмай, ингжиқлиги ортди. «Ойижонисини соғинибди, олақолинг» деб гап ташладим. «Ҳайри, овутиб тур, мен ҳозир...» Турсуной бош қимиллатиб, «Ҳа, шаддод қиз, нима тўпалон. Қараб тур ҳали сен» деган эди, Муҳаббат онасига тақлид қилибми бошини чайқаб «сарай-сарай» қиларди. Ҳаммамиз кулишдик. Муҳаббат қўли билан милкини ишқалаб сиркилади. Тиш чиқяпти. «Оппоғим, кўп ишқалама» деди онасига талпиниб турган қизалоқнинг қўлини ушлаб Инобат. Қизалоқ жанжал кўтарди. Онаси «энди бўлмади» деб шоша-пиша қўл мойини хасга артди. Ариқчадаги сувга қўлини чала-чулпа ювди. Талпиниб турган Муҳаббатини эркалади. Сўнг биз миниб келган «Победа»га чиқиб, Муҳаббатни эмиза бошлади. Она сийнасини мирикиб эмаётган гўдак гоҳо-гоҳо бошини кўтариб «бегона» амакиларига қарайди. «Зўр ман-а... Чидасаларинг шу» деяётгандек жилмайиб, яна она сийнасига ёпишиб олярди. Меҳри дарё она мағрур.

— Инобат, Ҳайри, онамга яхшилаб қаранглар, Инсофга келиб қолар, ахир. Ўригидан данаги ширин бўларкан-ку. Олиб бора қол данакларини, — Турсуной қизчасини синглисига узатди, — Ишим тиқилинч. Партияга ўта туриб сўз берганман. Бажаришим шарт.

«Узоқни кўзлаган қиз» билан биринчи мулоқатим шу хилда бошланган эди. Турсуной тўғрисидаги биринчи очерким «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1959 йил 7 ноябрь байрам сонида босилган. Шунга, мана, 17 йил бўпти. Ўша куни республика хирмони 2 миллион 800 минг тонна «оқ олтин» билан бойиган эди. «Узоқни кўзлаган қиз»им 200 тонна, Меликўзи Умрзоқов («Қарвонбоши» очерким қаҳрамони) «СХМ-48М» машина бункеридан 247 тонна «оқ олтин» тўкиб, рекорд қўйган эдилар. Тўғри, ўша пайтларда Турсунойдан олдинроқ машинада пахта териб юрган «зангори кема» суворилари, оз бўлса-да, бор эди. Булар — мирзачўллик Бекиров, Жавод Кўчиев, поплик Меликўзи Умрзоқов ва ўнлаб бошқа механизаторлар. Республикада 300 минг тонна пахта машиналар бункеридан тўкилгани шундан далолат беради. Бироқ теримчи механизаторлар орасида қиз-жувонлардан биророрта бўлса ҳам йўқлиги Турсунойга тинчлик бермасди. Пахтачиликнинг энг қийин, мураккаб иши — терим. Терим учун минг-минг машина мавжуд бўлгани ҳолда, пахта асосан қўлда терилади. Бу оғир меҳнат хотин-қизлар зиммасида эди. Қор кечиб, пахта терилган пайтлар кўп бўлган. Турсуной ҳам ўқиб, ҳам колхоз ишига ёрдамлашиб юриб, пахтакор зиммасидаги бу оғир юкни енгиллаштириш ҳақида кўп ўйларди.

Турсунойлар оиласида содир бўлган бир фожеа «Узоқни кўзлаган қиз» ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Қўйида очерк ва қиссамдан юлиб-юлиқиб олган мана бу сатрларга эътиборингизни тортаман:

«Башорат холанинг бошига оғир мусибат тушди... Маҳмуд ака ўз оёғи билан «Пахта» станциясига чиқса-ю, соат ҳам ўтмай унинг жонсиз танасини замбилда кўтариб келса-лар-а».

«Айни еттинчи синфни битириш арафасида отасининг ўлими Турсунойни гангитиб қўйди».

«Оппоқ қизим, ўқишингни жувонмарг қилма, колхозда ишлаш қочмас, дейди онаси».

«Ушоққина қиз экансан, ўғил бола бўлганингда ўзим шогирд қилиб олардим».

«Амаки, қиз боладан тракторчи чиқмайди дедингиз-а. Шу гапингиз эсингиздан чиқмасин, дейди тракторчига Турсуной».

«Тонг отиб, машинасини картага олиб кирмоқчи бўлганда пайкални сув босиб кетибди. Дили сиёҳ бўлди Турсунойнинг. Пахта теримидек, энг оғир ишни машиналаштиришга қаратилган Турсуной ташаббусини барбод этган бош айбдор Жалилов эканлиги энди аниқ бўлди. Бу колхоз раиси эди».

«Биласизми, ёлғиз Турсунойнинг ўзи териб берган 200 тонна пахтадан 1 миллион метр газлама, 16 тонна ёғ, 3 тонна кунжара, 13 тонна совун олиш мумкин».

«Бу киши менинг устозим, дейди Турсуной».

Инженерлар механизатор Бакировга ҳурмат билан қўл чўзадилар.

— Бошқа машиналар қандай ишлаяпти? — савол берди конструктор Приходько.

— 17 машина пахта теримида. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Турсунойча пахта теролгани йўқ, — деб жавоб берди Бакиров.

— Кеча қанча пахта тердингиз? — савол берди Аҳмедов.
— 12 тонна.

— Мен сиз ишлатаётган машинанинг конструкторларидан бири бўлганим учун бахтиёрман, — дейди Приходько.

— Мен ҳам, — дейди ҳамкасбининг қўлини сиқиб Аҳмедов».

«Иваново областидаги Совенский фабрикасининг тўқувчиси Юлия Вечерова Турсуной Охунович социалистик мусобақага чақирди».

«Қирғизистондаги «Қизил меҳнат» колхозининг звено бошлиғи Турсуной йўлидан бориб, машинада пахта теришга қарор қилди».

Ўша кезларда Турсунойга қанчадан қанча мактублар юборилиб турилларди:

«Салом, ҳурматли Турсуной опа! Биз сизнинг эришган муваффақиятларингиз билан фахрланамиз... Армия хизматидан бўшаганимиздан сўнг Сизга эргашишни ўзимизга вазифа қилиб қўйдик. Ўз областимизга эмас, Мирзачўлга борамиз. Салом билан, Германияда хизмат қилиб турган солдатлар Мўминов, Холматов, Исроилов, Хопсаев. 14 январь, 1960 йил».

«Чустдан салом!

Қимматли, Турсуной. Биз Сизнинг издошларингиз, келажак сафдошларингиздирмиз. Сиз бошлаган иш қўл меҳнатидан қутқазишда муҳим эканлигини тушуниб, Чустда очилган механик-ҳайдовчилар тайёрлов курсида ўқияпмиз. Салом билан Ҳошиятхон Жўраева, Турғуной Мирзаева, Ҳайрихон Мансурова, Раиса Раҳимова, Нурия Абдураҳимова ва бир группа қизлар.

25 январь, 1960 йил».

Бунга ўхшаш мактублар менинг ва Турсунойнинг бисотида мингдан ошади.

Бош секретаримиз Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг иши тўғрисида партиямиз XXV съездига қилган Ҳисобот докладида: «Съезд делегатлари орасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бутун мамлакатга машхур уста илғорларидан Терентий Семёнович Мальцев, Александр Васильевич Гиталов, Турсуной Охунова, Михаил Иванович Кляпиков, Николай Васильевич Бочкарев ва бошқалар ўтиришибди. Шуниси яхшики, уларга ўхшаш одамлар борган сари кўпаймоқда», деб «узоқни кўзлаган қиз»имизнинг номини ҳам тилга олган эди.

Дарҳақиқат, Турсуной ташаббуси улкан ҳаракатни бошлаб юборди. Бу ҳаракат инқилобий тус олиб, минг-минглаб турсунойчилар етишиб чиқишига сабабчи бўлди. Турсуной ташаббуси борган сари қулоч ёймоқда.

Турсуной Охунова фақат моҳир механизатор эмас, у миришкор пахта устаси ҳамдир. Турсуной 1960 йилдаёқ 100 гектар ер олиб, деҳқончилик қила бошлади. Ўшанда турмуш йўлдоши Султонжон табелчи эди. Ҳозир машъал колхознинг раиси. Дастлабки йиллар гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтарган Турсуной бошлиқ бригада йиллар оша 35-47 центнерга етказиб хирмон кўтарди.

Шу йилнинг бошида мамлакатимиз бир гуруҳ донгдор механизаторларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев номига йўллаган коллектив мактуби матбуотда эълон қилинди. Бу ажойиб мактуб муаллифлари орасида бизнинг Турсуной ҳам бор эди. Турсуной партиямиз Марказий Комитети Бош секретарига берган ваъдаси устидан чиқиб, ўз машинаси бункеридан 450 тонна «оқ олтин» тўкди. Айни шу кунларда унинг бригадаси 69 центнерлик маррани эгаллаш арафасида.

Турсуной билан унинг турмуш йўлдоши Султонжон ҳаётида 1963 йилда рўй берган воқеа ҳам унутилмасдир. Султонжон сиртдан ўқиб, ирригация институтини битиргач, колхозчилар уни правлениега раис қилиб сайладилар. Кунларнинг бирида ўша пайтдаги райком секретари Маҳкам Камолов колхознинг қолоқ участкасида бўлиб, бир квадрат метр ердан 4 килограмм гумай юлиб олган эди. Ҳосили 13 центнердан ҳам ошмаган шу участкани Турсуной Охунова қабул қилиб олиб, бригадага бошчилик қилди. Ўша йилиёқ агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, 13 ўрнига 40 центнердан ҳосил кўтарди. Шу участкадаги 1974 йилда 80 гектар ердан 31 центнер ўрнига 56, 1975 йилда 34 ўрнига 61 центнер ҳосил кўтарди. Шу кунларда 36,7 ўрнига 69 центнер учун курашмоқда. Ўтган йиллар ичида Турсуной билан Султонжон беш фарзандининг она-оталари бўлиб олишди. Бош қизлари Муҳаббат — 18 баҳорнинг юзини кўрди. Медицина институтининг 2-курсида таҳсил кўрмоқда. Марҳамат — 10, Қаҳрамон — 8, Жаҳонгир 5 синфда ўқимоқда. Ҳилола бўлса, ҳозирча болалар боғчасининг гули.

Турсунойнинг синглиси Инобат чўлқуварларнинг биринчи сафида бориб, ҳозир Жиззах областидаги «Ўзбекистон» совхозида бошчилик қилиб, КПССнинг XXIV съезди президиуми аъзолари сафида ўтирди, СССР Олий Советининг депутати.

Султонжон раислик қилаётган Киров номли колхоз 1367 гектар ерга чигит экканди. Межбурияти — 43 центнер. Сўнгги 3 йил ичида 100 бош дан 300 бошгача қорамолга мўлжалланган 3 та замонавий молхона қурди. Бригадалар орасидаги йўлларга асфальт ётқизилди. Миллий типда янги ҳаммом қурилди. 35 кишига мўлжалланган янги дам олиш уйи, қулинг ўргилсин мевазор боғ яратилди. Янгидан бино қилинган 3 та мактабнинг бирида болалар рус тилида билим олмоқда. 3 кудукдан сув чиқарилиб, 6 дала шийпони ва барча хонадонларга водопроводдан сув тортилмоқда. Катта йўл ёқасига идора учун шинам бино қурилиб, гулзор майдонига Киров ҳайкали ўрнатилди. Деҳқончилик даромади йил сайин ошмоқда. 1975 йилда колхозчиларнинг кунлик иш ҳақи 5 сўм 50 тийин ўрнига 8 сўм 40 тийиндан тушди. Чиноз районидаги колхозлар орасида даромади жиҳатидан Киров номли колхоз биринчи ўринга чиқиб олди.

«Узоқни кўзлаган қиз»им меҳнатдан шуҳрат топди. У комплекс механизациялашган бригада бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. Турсунойни янги ғалабалар билан қутлаш учун борган куним — 17 октябрда Киров номли колхоз даласида Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари Кибор Мамедовни учратиб қолдим. Худди ўша куни Чиноз районида бўйича етиштирилган пахта ҳосили гектар бошига 39 центнерга етди. Давлатга топширилган пахта эса 33 минг 600 тоннадан ошди. Чиноз ликлар 38 минг тонна учун курашмоқда. Кировчилар билан бир вақтда бутун Чиноз районидаги пахтакорларини табриклаш мен учун ниҳоятда кўнгилли бўлди.

Мавлоно Саъдий Шерозий айтганларидек, бизнинг Турсуной ва унинг меҳнат издошлари шон ва шуҳрат, обрў-эътиборни меҳнатдан, халққа қилган беминнат хизматдан топди.

«Узоқни кўзлаган қиз»им Турсунойни янги-янги зафарли уфқлар кутмоқда.

РАЙОНЛАР РАПОРТИ

УЧҚЎРҒОН. Ташаббускор район меҳнаткашлари шонли партиямизнинг тарихий XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, улкан ғалабани қўлга киритдилар. Қабул пунктларига 56305 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 32,1 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. 90 процент пахта агрегатлар бункеридан тўкилди. Район ютуғига Охунбобоев номли колхоз, «Ҳурмат белгиси» орденли Ленин номли, «Учқўрғон» совхозлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Район меҳнаткашлари давлатга яна 8 минг тонна «оқ олтин» сотишга ғ.ҳд қилиб ишламоқдалар.

* * *

ШАҲРИСАБЗ. Район меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги байрами арафасида давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини 100,1 процент қилиб адо этдилар. Эл хирмонига 55350 тонна қимматбаҳо «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 26 минг тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Район ютуғига Энгельс номли, «Партия XX съезди», «Ленинград», «Правда», «Ўзбекистон», Ленин номли колхозлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район марди-майдонлари 58 минг тоннаник «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

* * *

БЕРУНИЙ. Район меҳнаткашлари съездлар йилида давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини шараф билан бажардилар. Қабул пунктларига 46500 тонна яқин «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнерга етди. Машиналар билан 20 минг тонна «оқ олтин» териб олинди.

Район меҳнаткашлари пахта ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиб, 55 минг тоннаник «оқ олтин» хирмони яратиш ишқи билан меҳнат қилмоқдалар.

11 МИНГ ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА УЧУН

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Жарқўрғон районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Москва» колхози заршунослари зафар қучдилар. Мавжуд 2405 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватан хирмонига 8665 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта етказиб бердилар. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сорт билан топширилди. 2213 тонна дурдона «зангори кема»лар бункеридан тўкилиб, машина терими плани 106 процент бажарилди.

Ғалабага С. Жўраев, Ф. Чориева, Х. Бобоқулов, Х. Бўронов, А. Алимназаров, Р. Аллаёров, К. Асаев, Н. Маматқулов, Т. Хўжамуродов, Ю. Хўжакелдиев, А. Астенов сингари пахта усталари сарқорлик қилаётган бригадалар гектаридан 40-45 центнердан ипак пахта етиштириб, салмоқли ҳисса қўшдилар. «Зангори кема» капитанларидан А. Лакаев, О. Эшбоев, Х. Химматова, Р. Умиров, Х. Алиқулов, Р. Қултоев, Т. Саидов, С. Маматқулова, У. Бегматов, К. Довонов ўртоқлар агрегатлар бункеридан 120-150 тоннадан пахта тўкиб, хирмонга барака киритдилар. Кўпминг килограммчи теримчилардан У. Шодиева, Б. Чагирова, М. Эшбоева, М. Жўраевалларнинг ҳар бири 8-10 тоннадан пахта теришди.

Шунингдек, колхоз марди-майдонлари дон, гўшт, сут, пилла сотиш планларини ҳам ортиғи билан адо этдилар.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Биринчи секретари Эдвард Герек раҳбарлигидаги Польша Халқ Республикасининг партия-давлат делегацияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати шарафига 10 ноябрда зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, министрлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Польша томонидан Польша Халқ Республикасининг партия-давлат делегацияси аъзолари бор эди.

Зиёфатда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси И. Ярошевич нутқ сўзлади.

У бундай деди: биз Советлар мамлакатига қилаётган визитимизга ғоят катта аҳамият бермоқдамиз. Чунки бу визит бизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги самимий ва мустаҳкам алоқаларнинг ифодасидир, бу визит Совет Иттифоқи билан қардошларча муносабатлар Социалистик Польша учун, унинг хавфсизлиги, муваффақиятли ривожланиши ва ҳозирги дунёда ўзига муносиб мавқени эгаллаши учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бугун бизнинг раҳбарларимиз, ўртоқ Эдвард Герек ва ўртоқ Леонид Ильич Брежнев имзолаган «Польша Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бизнинг қардош коммунистик партияларимизнинг сиёсий бирлиги, шу ҳамкорликнинг ҳал қилувчи омили эди ва шундай бўлиб қолади.

Зиёфат қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Азиз ўртоқлар, бизнинг партиямиз, бутун поляк халқи ҳамиша Улуғ Октябрнинг юксак идеалларига — пролетар интернационализмига, социализм ва коммунизм ғалабаси учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашга содиқ бўлиб қолади деб сизларни ишонтирмоқчимиз, деди И. Ярошевич.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўзининг жавоб нутқида уқтириб ўтдики, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда биз коммунистларнинг дўстлигини, Совет Иттифоқи билан Польша халқларининг дўстлигини ҳамма нарсадан юксак қадрлаймиз. Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқларнинг сўзлаган нутқларида, шунингдек Совет — Польша музокараларининг боришида ва ўртоқ И. Ярошевичнинг бугунги нутқида бу фикр зўр куч билан янгради.

Совет Иттифоқи билан социалистик Польша ўртасида ғоят мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мавжуддир. Бу алоқалар ҳар иккала мамлакат ишчилар синфининг бирғаликдаги революцион традицияларидир, озодлик ва мустақиллик учун курашда ҳамда халқларимизнинг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишда қардошларнинг қардошлик алоқаларидир. Бу алоқалар социализм ва коммунизм қуриш улуғ ишидаги бирликни, Европада ва бутун дунёда тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашни билдиради. Бу алоқалар Маркс, Энгельс ва Ленин таълимотига, пролетар интернационализми принципларига садоқатни, юксак коммунистик идеалларга садоқатни кўрсатувчи алоқалардир.

Бугун Леонид Ильич Брежнев билан Эдвард Герек имзолаган қўшма сиёсий ҳужжат Совет—Польша иттифоқи мустаҳкамлигини ва дўстлигимизнинг саминийлигини кўрсатувчи янги далилдир. Бу ҳужжат Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада нарсадан юксак қадрлаймиз. Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқларнинг сўзлаган нутқларида, шунингдек Совет — Польша музокараларининг боришида ва ўртоқ И. Ярошевичнинг бугунги нутқида бу фикр зўр куч билан янгради.

Совет Иттифоқи билан социалистик Польша ўртасида ғоят мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мавжуддир. Бу алоқалар ҳар иккала мамлакат ишчилар синфининг бирғаликдаги революцион традицияларидир, озодлик ва мустақиллик учун курашда ҳамда халқларимизнинг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишда қардошларнинг қардошлик алоқаларидир. Бу алоқалар социализм ва коммунизм қуриш улуғ ишидаги бирликни, Европада ва бутун дунёда тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашни билдиради. Бу алоқалар Маркс, Энгельс ва Ленин таълимотига, пролетар интернационализми принципларига садоқатни, юксак коммунистик идеалларга садоқатни кўрсатувчи алоқалардир.

Бугун Леонид Ильич Брежнев билан Эдвард Герек имзолаган қўшма сиёсий ҳужжат Совет—Польша иттифоқи мустаҳкамлигини ва дўстлигимизнинг саминийлигини кўрсатувчи янги далилдир. Бу ҳужжат Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бизнинг қардош коммунистик партияларимизнинг сиёсий бирлиги, шу ҳамкорликнинг ҳал қилувчи омили эди ва шундай бўлиб қолади.

Зиёфат қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЭДВАРД ГЕРЕК СОВЕТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ НУТҚ СЎЗЛАДИ

10 ноябрь куни Совет Иттифоқи Марказий телевидениеси орқали Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Биринчи секретари ўртоқ Эдвард Герек билан қилинган суҳбат кўрсатилди.

Э. Герек поляклар Советлар мамлакатининг эришган муваффақиятларидан, КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари кенг миқёсда ва зўр ғайрат билан амалга оширилаётганлигидан ғоят хурсанд эканликларини уқтириб ўтди. Совет коммунистларининг, совет халқининг тажрибаси ва муваффақиятлари поляклар учун бебаҳо аҳамиятга эга бўлиб, уларни руҳлантирмоқда.

Кечагина тамом бўлган Совет—Польша музокараларини таърифлаб, Э. Герек бундай деди: биз Польша — Совет ҳамкорлигининг айниқса кейинги йиллардаги мутасил ва ҳар тарафлама ривожи масалаларини батафсил муҳокама қилдик, шунингдек бу ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб чиқдик. Ҳақиқатда биз ҳозир шу ҳамкорликнинг янги, янада юксак босқичига, унинг мазмуни ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги формалари янада ривожланган даврга қадам қўйдик. Ҳар иккала партияларимиз ўртасидаги бирлик ва ўзаро мустаҳкам ҳаракат мана шу ҳамкорликнинг негизидир. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бу ишга шахсан жуда катта ҳисса қўшмоқда. Бизнинг бутун халқимиз буни ғоят юксак қадрлайди, деб таъкидлади Э. Герек.

Советлар мамлакати билан ҳамкорлик ПБИП VI съезди қабул қилган ва VII съездида таъкидлаб ўтилган иқтисодий ривожланишнинг стратегиясини муваффақият билан амалга ошириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Э. Герек уқтириб ўтдики, бўлиб ўтган музокаралар социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг ҳаракат бирлигини ва жипслигини, коммунистик ҳаракат бирлигини янада мустаҳкамлаш кескинликни юмшатиш сиёсатини ривожлантириш соҳасида КПСС билан ПБИПнинг, ҳар иккала давлатнинг тутган позицияси бир-бирига тамомила монанд эканлигини, уларнинг бунга қатъий аҳд қилганликларини тасдиқлади.

Э. Герек Совет Иттифоқида Польша делегацияси ғоят қизғин, самимий вазиятда қабул қилинганлиги учун миннатдорчилик билдирди. Биз бунга поляк халқига, социалистик Польшага нисбатан қардошларча муносабатнинг ифодаси деб биламиз, деди у. Бизнинг халқимиз ҳам худди мана шундай қардошларча муносабат туйғулари билан жавоб беради. Биз, поляклар учун улуғ совет халқи — энг яқин дўстдир.

(ТАСС).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республикамиз районларида пахта тайёрлашнинг боришн тўғрисида шу йил 11 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Юқори Чирчиқ	**122,55**	**143,47**
Қуйи Чирчиқ	**120,93**	**172,88**
Янгийўл	**116,83**	**110,10**
Ўрта Чирчиқ	**109,01**	**101,79**
Чиноз	**107,86**	**108,78**
Бўка	**107,14**	**121,69**
Оққўрғон	**104,16**	**116,84**
Бекобод	**102,02**	**102,53**
Пискент	90,50	92,52
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ленин йўли	**108,27**	**117,03**
Шўрчи	**106,45**	**115,80**
Термиз	**103,46**	**116,80**
Гагарин	**102,65**	**114,51**
Шеробод	**101,14**	**100,96**
Сариосиё	**100,18**	**99,16**
Денов	**100,00**	**106,05**
Жарқўрғон	97,48	124,30
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Марҳамат	**107,22**	**107,26**
Ленин	**104,72**	**65,96**
Хўжаобод	**102,44**	**103,30**
Избоскан	**102,42**	**108,67**
Комсомолобод	**101,31**	**139,46**
Қўрғонтепа	**100,70**	**115,54**
Бўз	**100,69**	**117,65**
Жалолқудуқ	98,61	99,05
Пахтаобод	98,35	86,72
Балиқчи	98,22	106,63
Андижон	95,21	101,78
Москва	94,74	105,66
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Нишон	**113,98**	**125,45**
Ғузор	**108,47**	**89,98**
Қарши	**104,63**	**114,27**
Ульянов	**102,61**	**104,46**
Шаҳрисабз	**101,51**	**108,66**
Қамаши	**100,58**	**104,95**
Чироқчи	92,98	71,40
Косон	91,37	85,46
Яккабоғ	91,11	94,70
Китоб	85,54	95,75
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Қораўзак	**108,58**	**100,21**
Хўжайли	**107,28**	**104,09**
Тахтакўпир	**106,82**	**102,36**
Тўрткўл	**103,61**	**99,35**
Беруний	**102,67**	**85,82**
Қўнғирот	**102,56**	**84,90**
Амударё	**100,30**	**91,97**
Шуманай	93,31	92,71
Кегайли	93,20	80,96
Нукус	90,87	97,96
Ленинобод	90,69	83,99
Чимбой	90,00	102,25
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Дўстлик	**109,29**	**116,34**
Жиззах	**107,18**	**99,12**
Мирзачўл	98,31	114,56
Октябрь	97,56	89,49
Пахтакор	95,86	94,18
Ғаллаорол	80,30	45,16
Арнасой	78,70	66,75
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Каттақўрғон	**106,98**	**104,80**
Пахтачи	**106,76**	**128,48**
Нарпай	**103,43**	**94,23**
Пастдарғом	**101,97**	**90,14**
Жомбой	98,21	101,64
Хатирчи	97,08	84,56
Оқдарё	97,07	103,97
Иштихон	96,67	111,62
Булунғур	87,30	82,60
Пайариқ	84,77	73,59
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Учқўрғон	**101,74**	**124,42**
Косонсой	**100,31**	**121,29**
Задарё	96,37	117,44
Норин	91,65	112,53
Тўрақўрғон	91,25	92,08
Янгиқўрғон	91,22	97,17
Уйчи	90,39	102,32
Поп	89,39	86,24
Наманган	89,10	97,02
Чуст	80,52	46,66
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Оқолтин	**110,26**	**140,96**
Боёвут	93,91	96,38
Сирдарё	91,94	97,00
Ховос	88,11	84,07
Ворошилов	85,57	78,76
Ильич	85,43	96,90
Гулистон	83,98	94,09
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Фарғона	**102,41**	**71,74**
Ленинград	**100,98**	**98,72**
Қува	97,68	93,11
Охунбобоев	95,90	69,03
Ўзбекистон	95,18	80,32
Киров	92,40	70,07
Риштон	91,24	77,06
Бағдод	91,02	71,08
Тошлоқ	87,85	68,24
Қувасой шаҳри	87,51	86,14
Бувайда	84,38	76,54
Фрунзе	84,19	85,49
Олтиариқ	81,37	75,43
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ромитан	96,31	86,06
Қоракўл	94,58	96,51
Олот	92,52	90,54
Шофиркон	91,11	86,18
Ғиждувон	90,11	63,97
Свердлов	89,95	97,54
Бухоро	89,53	60,36
Вобкент	89,04	101,45
Когон	87,68	83,80
Қизилтепа	85,32	88,58
Навоий	82,32	84,74
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хива	88,39	67,41
Хонқа	86,90	98,87
Хазорасп	86,73	89,22
Қўшкўпир	82,80	84,87
Боғот	82,58	82,29
Янгиариқ	82,24	90,65
Шовот	80,42	78,73
Гурлан	79,69	78,22
Урганч	79,31	81,98

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Австрия кўчкишунослари билан алоқалар

Урта Осиё гидрометеорология регионал илмий-тадқиқот институтида қор кўчкилари ва оператив хизмат кўрсатиш лабораториясининг бошлиғи география фанлари кандидати Л. А. Канаев Австрияга қилган сафаридан қайтиб келди. Маълумки, бу муассаса мамлакатимизда қор кўчкиларини ва ундан ҳимоя қилиш усулларини ўрганадиган бош илмий коллективдир.

Л. А. Канаев Австрияда октябрь ойида бўлиб ўтган совет фани ва техникаси кунларида иштирок этди. Тошкентлик олим ўзининг чет эллик ҳамкасбларини Совет Иттифоқида амалга оширилаётган кўчкишунослик ва селлардан ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар билан таништирди. У шу ҳақда бундай деди:

— Австрия — кўчкишунослиқнинг анъанавий жаҳон марказларидан бири сифатида машҳур мамлакат. Бу ерда кўчки хавфи мавжуд бўлган майдонлар мамлакат территорияларининг қарийб тенг ярмини эгаллаганлиги бежиз эмас. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Совет Иттифоқидаги тоғлик районлардан биронтасида аҳоли Австриядагидек анч жойлашган эмас ва тоғлардаги турли объектларнинг миқдори ҳам Австриядагичалик кўп эмас. Шунинг учун ҳам бу қадар ваколатли мутахассислар ҳузурида доклад қилиш айниқса масъулиятли эди. Олдиндан шуни айтиб қўйайки, бизнинг тадқиқотларимизга қизиқиш жуда зўр эди.

Австрия — Совет дўстлиги жамиятининг активистлари — меҳмонларни шод-ҳуррамлик билан кутиб олган мезбонлар СССР кўчкишуносларининг ишлари тўғрисидаги докладни учта шаҳарнинг мутахассислари: Зальцбург, Грац ва Инсбрук шаҳарларининг мутахассислари СССР кўчкишуносларининг ишлари тўғрисидаги докладни тинглашни истаганликларини маълум қилишди. Биз ишни Австриянинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Зальцбургдан бошладик. Бу ерда менга «СССРда кўчкиларга ва селларга қарши кураш тўғрисида» биринчи доклад қилишга тўғри келди.

Зал лиқ тўла эди: олимлар, ёшлар, мамлакат ўрмон хўжалиги министрлигининг «Австрияда кўчкилар худди ана шу министрликка қарайди» мутахассислари бу ерда докладни қизиқиш, хайрихоҳлик билан тингладилар. Докладдан кўра, кўплаб берилган саволларга жавоб қайтариш учун анча кўпроқ вақт кетди. Тингловчилардан бири устма-устига савол берар, айримларига ўзи жавоб қайтариб қўярди: совет гляциологияси билан яхши таниш эканликлари сезилиб турарди. Саволларни ёғдириб ташлаган бу киши австриялик машҳур альпинист, яқинда Помирга келиб кетган Шмук экан.

«Ҳа, — деб унинг ўзи далолат берди, — СССРда альпинистик тадбирларни амалга оширишда кўчки соҳасидаги мутахассислар хизмат қиладилар». Австриялиқлар буни ғоят қизиқиш билан тинглашди. Улар совет кўчки хизмати тузилиши тўғрисидаги, шунингдек тадқиқотларнинг кенг миқёси ҳақидаги, кўчкига ва сел хавфига қарши кураш тадбирлари тўғрисидаги ҳикояни ҳам қизиқиш билан тингладилар. Унча катта бўлмаган Австрия мамлакатида бултур қишдагина кўчки оқибатида 99 киши ҳалок бўлди, анчагина моддий зарар кўрилди. Шунинг учун ҳам тингловчилар мамлакатимизда кўчки хавфи ва сел хавфи бор ҳавзаларда қурилишни чегаралаб қўядиган махсус ҳукумат ҳужжатлари нашр этилганлиги; табиатнинг ана шу хавфли ҳодисаларидан ҳимоя қилиш давлат программалари қабул қилинганлиги ва амалга оширилаётганлиги; Тошкент ва Олмаотада мамлакатнинг бутун миқёсида кўчкишунослар ҳамда сел тадқиқотчиларининг куч-гайратларини бирлаштирувчи катта-катта илмий-тадқиқот муассасалари ишлаб турганлиги тўғрисидаги ахборотни алоҳида қизиқиш билан тингладилар.

Кўчкига қарши иншоотларни қуриш соҳасида маҳоратли австрияликлар бу борада тўплаган тажрибаларини бажонудил ўртоқлашдилар. Доклад юзасидан мунозара уч соатдан кўпроқ давом этди.

Эртаси куни Австрияда катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар бўлган Грац шаҳрида электроника ва кўчки институти биносида менга докладни яна такрорлашга тўғри келди. Биз бу ерда Альп тоғларига саёҳат хавфсизлиги Австрия жамиятининг масъул секретари ва Австрия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, профессор Э. Рабовский билан ҳам шу ерда танишдик. Э. Рабовский СССРда кўчкишуносликнинг даражасига юксак баҳо бериб, бизга австриялик гляциологларнинг бир қанча асарларини тақдим этди. У тоғларда кўчки хавфсизлигини капитализм шароитларида чинакам таъминлаш мумкин эмаслиги тўғрисида афсусланиб гапирди. Чунки аслини олганда, бу иш у ёки бу объект хўжайинининг майлига боғлиқдир.

Шундан кейин Инсбрукда, қишки олимпиаданинг икки марта пойтахти бўлган шаҳарда доклад қилишга тўғри келди. Бу ерда ҳам Австрия—Совет дўстлик жамияти аъзолари шодиёна учрашув уюштиришди. Тироль кўчкишунос мутахассислари учун яна ўша доклад ўқилди. Доклад узоқ давом этган қизиқарли суҳбат билан тугади. Мени шу нарса ҳайратда қолдирдики, тингловчилар орасида Италия ўрмон хизмати вакилларидан икки кишини учратдим. Уларни Зальцбургда доклад қилган чоғимда ҳам кўрган эдим.

Улардан бири Жиоржио Чиола СССРда ўрмонларни кўчки хавфидан муҳофаза қилиш қандай йўлга қўйилганлиги масаласи билан астойдил қизиқди. У немис тилини (доклад немис тилида қилинди) мукаммал билмаслигини тушунтириб шунинг учун ҳам совет кўчкишуносининг суҳбатини такрор тинглашга қарор қилганлигини айтди. «Ўрмонларимизнинг хўжайинлари кўчкидан ўрмонга шикаст етган бўлса, бунга маблағларнинг камлиги ҳам эмас, хавфсизлик хизмати ташкил этилмаганлиги ҳам эмас. балки ўрмончининг ўзлари айбдор, ҳисоблайдилар» деб афсусланиб тушунтириб берди.

Австрияда қисқа вақт — бир неча кун бўлишга тўғри келди. Лекин бу ерда мамлакатимизнинг анча дўстлари борлигини, улар совет кишилари илмий-тадқиқотлар, маданий алоқалар, умуман инсоний муомала соҳасида ишонса бўладиган ва ажойиб ҳамкасблар эканлигини кўриб, тушунишга ва астойдил ҳис этишга бу кунлар кифоя қилди. (ЎзТАГ).

МАШАҚҚАТЛИ КУЗ ПАХТАСИ

БИРИНЧИ ЙИҒИМ-ТЕРИМ ҲАҚИДА ҚИССА

УНИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН кузаги ўзига хос рангга — пишиб етилган пахта рангига эга. Агар Россияда «олтин куз» дейишса, бизда бўлса куз оқ, оппоқ, худди «оқ олтинга ўхшайди. Кундузги нур ўзига спектрнинг ҳамма жилосини олгани каби республиканинг улкан пахта даласида ҳам машиналар ёрқин ранги ва пахтакорларнинг миллий кийими оппоқ ҳосилнинг кўзни қамаштирадиган жилосини ҳосил қилади.

Ўзбекистонда ҳозир йиғимтерим мавсумининг ғоят масъулиятли, ҳал қилувчи палласи авжида. Ёмғир, қор, кескин изғиринлар ўз зиммасига беш миллион уч юз минг тонна пахта етказиб бериш юксак мажбуриятини олган деҳқонларнинг маҳоратини, қатъиятини ва мардоналигини имтиҳон қилмоқда.

Шу кунларда мен пахта далаларида кўп марта бўлдим. Ветеранлар ва ёшлар, коммунистлар ва комсомоллар қатъият билан, ғайрат-шижоат билан ишлаётганликларинг гувоҳи бўлдим. Республика аҳолисининг учдан бир қисми пахта етиштириш билан банд.

ХАЛҚИМНИНГ гўзал ва олижаноб анъанаси бор. Ёшлар қишлоқ кўчасида ўзидан катта кишини кўрган ҳамони, гарчи у нотаниш бўлса ҳам биринчи бўлиб «ассалому алайкум» деб эҳтиром билан салом беради.

Ҳаким Қодировни учратган ёшлар анъанавий салом алайкумга, албатта, «устоз» сўзини кўшиб айтишади. Устоз дегани мураббий дегани. Ҳакимнинг тенгқурлари, ўзига ўхшаш сочи оқариб кетган ветеранлар эса «Ассалому алайкум, Ҳаким полвон!» деб пешвоз чиқишади. Ҳақиқатан ҳам Ҳаким ака 69 ёшида ҳам полвонга ўхшайди.

Ҳаким тўқиз ёшидан буён далада. Етим қолган кунидан буён дала бағрида. Олдинига бойнинг кўлида ишлади, колхоз тузилганидан буён пахта етиштириб келмоқда. Шу пайтгача қилаётган иши пахта етиштиришдан иборат. Шу узоқ йиллар мобайнида Ҳаким полвон йигирмата кетмонни алмаштирди, йигирмата кетмон сопини кабарик кўллари билан ойнадек ялтиратди.

Тошкент канали қурилишида кунлик иш нормасини ўн баравар бажарганини менга айтиб беришди. Жонажон колхозига сув тезрок етиб келсин, деб шундай ишлаган экан. Ушандан буён унинг номи ёнига полвон сўзини кўшиб айтадиган бўлишди.

Ут-оловли қирк иккинчи йилда Ҳаким ўзига ўхшаш полвонлар билан бирга Смоленск областида «жонли кўприк» бўлганини ҳикоя қилиб беришди. Улар сув кўкракларига чиққунча дош бериб туриб, елкаларига тахта кўйдиришди. Мана шу тахталардан уларнинг жонговар дўстлари — солдатлар ўтишганди.

Жангчи Ҳаким, пахтакор Ҳаким ҳақида кўп нарсаларни ҳикоя қилиб беришди. У фронтда сапёр ва мерган эди. Оғир жарохатлангач уйга қайтди. Яна далага отланди. Ер унинг меҳнатини улуғлади, уни ҳурматли кишига айлантирди. Тўрт марта республика Олий Совети депутатлигига сайланди. Ҳакимнинг кўксини жонговар мукофотлар билан бир қаторда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин Юлдузи безаб турибди... Пискент районидаги Тельман номли колхозга келганимда Ҳаким Қодировни ҳар галгидек далада учратдим.

— Пахта билан ҳар куни суҳбат қурмок керак, — деди у менга, — пахта етиштириш бамисоли болани оёққа турғизиш билан тенг гап. Пахтакорлар баъзан ҳосилдорлик пастлигидан нолиб гоҳ у, гоҳ бу сабабларни рўкач қилиб кўрсатишади... Далалар ўзимизники, чиройим, уни яхши тушуниш керак. Менинг кўзимни боғлаб қўйиб, сўрагин-а, пайпаслаб бўлса ҳам, ҳамма нарсани топа оламан, айтиб бера оламан ҳам.

Қишлоқда бўлганимда ҳар гал болалигимдан таниш шундай манзарани кўраман: оқ пахта хирмонлари, йўл чеккасидаги сим ёғочларга ўрнатилган ҳамда «Тўқилган пахтани териб ол!» деб ёзиб қўйилган яшчикларни кўраман. Айтиш мумкинки, халқ бойлигига бундай муносабат одамларга она сути билан сингган.

Ҳаким ака сўзларини тингларканман, унинг пахтадек оппоқ сочига кўзим тушади...

— Мен сенга айтсам, ўғлим, мураббий дегани — ота дегани. Мураббий бўлиш учун қалбингда меҳр кўри бўлиши керак...

Бу ҳақиқий миришкор фақат пахта етиштириш билан шуғулланмайди. У худди ўзига ўхшаш, далага садоқатли деҳконларни вояга етказади. Негаки, Ҳаким ака учун мураббийлик дегани — унинг бурчи, ўзига хос истеъдоди демакдир. Ҳаётий донишманд ва иш тажрибаси бўлган кишининг истеъдоди шундаки, у ўз зиммасига онгли равишда мураккаб, аммо олижаноб вазифаларни олавераді.

Ҳаким ака бу ердаги мактабнинг меҳмони сифатида болалар қузурида тез-тез бўлиб туради, уларга ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб беради. «Тепаликда ўсадиган қайрағочдан аравага ғилдирак ясаларди,— дейди Ҳаким ака — шамол қайрағочни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга эгаверганидан, дарахтнинг танаси эгилувчан, бақувват бўлиб етишади. Пастликдаги дарахт эса шамолдан нарида бўлгани учун ундан ғилдирак ясаб бўлмайди. Чунки бундай дарахт танаси панд бериб кўяди, синиб кетади... Меҳнатни ҳам шунга қиёслаш мумкин».

Ўтган йили Қодиров бригадаси ҳар гектар ердан 55 центнердан хирмон кўтариб, районда энг юқори кўрсаткичга эришди. Бу йилги ҳосил ҳам чакки эмас. Ҳаким аканинг шогирдлари ҳам мўл ҳосил етиштириб, устозидан қолишмади. Пахтакор ва мураббий, Ўзбекистон ёш деҳконларининг йигирма минг мураббийсидан бири Ҳаким полвон мана шундай ишлаяпти.

ҚАШҚАДАРЁ область, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозида бўлганимда, Ҳаким аканинг гапларини яна эсладим: «Қўлларимдаги қадоқлар ва иш жараёнида тоб берган йигирмата кетмон ҳамиша пахта далаларида машиналарга жуда кенг йўл очиб бериши керакligини эслатиб туради».

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг пахта далаларида салкам 25 минг ёш механизатор ишлаяпти. Улардан 3 минги хотин-қизлардир. Бу хотин-қизлар машина рулини бошқаришга киришгунга қадар қўлда пахта терган эди. Шу боисдан улар пахтанинг нақадар юмшоқлигини, чаноқларининг қаттиқлигини яхши билишади.

Гулбаҳор Нуруллаева яқинда йигирма ёшга тўлади.

— Қиз боланинг механизатор бўлиши қийин эмасми, деб кўпинча сўрашади. Мен уларга шундай деб жавоб бераман: Бўлмаса пахтани қўлда териб кўрингчи? Эсимда, мактабда ўқиб юрганимизда колхозга чиқиб ёрдамлашардик, кунига 120-150 килограммдан пахта териб топширардик. Ҳозир эса, бир ўзим кунига 10-12 тонна пахта тераман.

Гулбаҳор пахта териш машинасини бошқариб, илк бор пайкал оралагинни яхши эсларди. Курсни битириши билан тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинасини ишониб топширишларига эришди. Баъзи бировлар шубҳа қилишди: ҳатто эркаклар эпполмайди-ку, қиз болага йўл бўлсин, дейишди...

Гулбаҳор уларни ишонтирди. Ишнинг биринчи куни 10 метр ҳам юрмаган эдики, бракка йўл қўйдимми деб ҳавотирланиб қолди. Аммо ўгирилиб орқасига қараган эди, тажрибали пахтакорларнинг чеҳрасини кўриб, кўнгли жойига тушди. Иш аъло даражада бораётган эди.

Гулбаҳор Нуруллаева — район партия комитетининг аъзоси, область комсомол комитетининг аъзоси, комсомол-ёшлар бригадасининг таниқли раҳбари. Колхозда комсомол-ёшлар маккажўхоричилик бригадасини ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилганида, кимни бригадир қилиб сайлаш кераклиги масаласида правление аъзоларининг фикри бир хил эди: албатта, Гулбаҳорнида. Ўшанда, колхозда ҳали маккажўхори дони етиштирилмаеди. Шу боисдан коллектив раҳбарига кўп нарса боғлиқ эди. Ёш деҳқонлар кексаларнинг ишончини оклай олишармикан? Худди пахта далаларида ишлаган каби қунт билан ва астойдил ишлай олишармикан? Ўшанда, Гулбаҳор ва унинг дўстлари ҳаммани ҳайратга солиб қўйишди... Эллик гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан хирмон кўтаришди.

Аммо, Гулбаҳор учун бу ҳам кам эди. Агрономия соҳасидаги китобларга боши билан шўнғиб кетди, қўшни районларга бориб, тажриба ўрганди ва янги муваффақият қозонди. Яна қандай денг! Бу йил унинг бригадаси республика рекордини қўйди: ўттиз гектар ернинг ҳар гектаридан 135 центнердан маккажўхори дони олди.

Ҳамқишлоқлари Гулбаҳор ҳақида менга яна шуларни айтиб беришди:

Неъмат Узоқов, колхоз раиси: «Қизлар қандай меҳнат қилаётганига қараб туриб ўйлаб кетаман: кани энди, эркаклар ҳам шундай ишлаганида борми! Масалан, механизаторларимиз машиналарини йигирма-йигирма беш кунда ремонт қилиб чиқишади. Булар эса бу ишни ўн-ўн икки кунда бажаришади. Иш сифати ҳам аъло даражада бўлади. Кунларнинг бирида Гулбаҳор комбайнидаги хаво тозалагич бузилиб қолгани эсимда. Даланинг шундоқ ўзида ремонтга тушиб кетса бўладими, вақт алламаҳалга бориб қолган эди. Бор, уйингга жўна, эрталаб келиб, қолганини бажарасан, дейман. У бўлса «эрталаб ремонтга кетадиган вақт ичида яна бир бункер пахта териб қўяман» деб жавоб берди».

Ун саккиз ёшли механик-ҳайдовчи Бегам Қиличева Гулбаҳорни ўзининг мураббийси деб атайди: «Гулбаҳор қувноқ, яхши ўрток, аммо талабчанлиги ҳам бор. Қаттиқ туриб олади. Лекин ҳеч ким ундан ҳафа бўлмайди. Ахир, у умумий ишимиз учун жон куйдиридда».

Ғулл Тиловова: «Ростини айтсам, Гулбаҳор бўлмаганида колхозимизда механизатор хотин-қизлар анча кам бўларди. Техникада ишлаётганимиз учун ундан миннатдормиз...»

Ўйлаб кетдим: 69 ёшли Ҳаким Қодиров билан 19 яшар Гулбаҳор Нуруллаева табиатида муштарак нарсалар нақадар кўп-а. Ҳаким ака пахта даласидаги узоқ йўлини давом эттирмоқда, Гулбаҳор эса бу йўлга эндигина кирган. Аммо иккалови ҳам тенглар ичида биринчилардир.

Ветеранлар ўрнига ёш, ғайратли деҳқонлар келмоқда. Аммо улар мураббийларидан меҳнатсеварликни, ҳалолликни ва пахтакорлик касбига садоқатни мерос қилиб оларканлар, далага кетмон олиб боришмайди, балки қудратли техникани олиб чиқишади. Энди диқкат фан, илғор тажриба уларнинг ёрдамчиси.

УЗОҚДАН қарасангиз пахта даласи сочиб юборилган лайлак қорга ўхшайди. Осмондаги оппоқ булутлар эса пахта далаларининг акси холос. Лўппи чаноқларнинг вазни кафтингизда сира ҳам билинмайди. Мана шундай «вазнсизлик»дан республиканинг миллион-миллион тонналаб «оқ олтин»и вужудга келади.

Мўл ҳосил билан фақат пахтакорлар фахрланишмайди. Қишлоқ хўжалик мутахассислари, олимлар ҳам пахта даласини ҳосилдор қилишга интилишади; янги-янги навларни яратишади, ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқишмоқда.

Узбекистон ва Шимол деган сўзларнинг бир қаторда ишлатилиши ғалати ва ғайри-табиий туюлади. Аммо ҳақиқатан ҳам серқуёш Ўзбекистон — жаҳон пахтачилик минтақасининг чекка шимоли ҳисобланади. Мана энди ўзингиз совет селекциячи олимларининг мана шу «чекка шимол» учун яроқли навлар яратиш борасидаги хизматларини кўз олдингизга келтираверинг.

Автономовлар... Бу фамилияни пахтакор республикамизда 1925 йилдан буён билишади. Анатолий Иванович Автономов ўшанда Узбекистонга келиб шу пайтгача умуман Ўрта Осиёда етиштирилмаган ингичка толали пахта навини синай бошлади. Александр ва Вадим ўз оталарининг селекция ишларини давом эттиришди. Ҳозирги кунда эса пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб чиққан Виктор Автономов — Александр Анатольевичнинг ўғли практика қилмоқда. Оила сулоласи фақат далада ишлаётгани йўқ.

Новчадан келган, барваста елкали йигит биология фанлари кандидати Вадим Автономов менга Ҳаким полвонни эслатади. У ҳам вазмин, оғир, ҳар бир сўзни мантиқан асослаб гапиради. Дарвоқе, селекционер учун сўз эмас, натижа муҳимдир. Натижалар эса узоқ йиллар ҳеч нима бермайди. Агар агрономнинг меҳнатини ҳосил ниҳоясига етказса, механизаторнинг меҳнатини оппоқ хирмонлар кўрсатиб турса, селекционер меҳнати ҳар икки ишнинг муваффақиятли ибтидосидир.

Селекционер ҳамма нарсани ҳисобга олиши керак. Кўсак очилиши билан машина пахтани тера оладими, у ёки бу нав республиканинг қайси зонасига тўғри келади. Кейинги йилларда айрим районларда далалар вилтга чалинадигани бўлиб қолди. Турлараро гибридлаштириш негизида яратилган янги сортлар бундай касалликка бардошли бўлиб чиқди.

— Айтиш мумкинки, пахтанинг бу навлари саноатимиз учун етишмай турган пахтанинг ўзидир, — деб ҳикоя қилади Вадим. Агар беш йиллик охирига қадар бу навлар районлаштирилса иш муваффақиятли кўчди деган гап...

УЧТА замондошим... Уларнинг ҳар бири кузнинг ҳар бир кунини «оқ олтин» билан ўлчайди. «Оқ олтин»нинг вазнини, баҳосини Узбекистонда ҳамма билади. Пахта, «оқ олтин» — халқимнинг ифтихори!

В. НИЕЗМАТОВ,
[ўз мухбиримиз].
Узбекистон ССР.

«Комсомольская правда», 10 ноябрь.

Тошкентдаги 85-ҳунар-техника билим юрти олти йил мобайнида республикамизнинг тўқимачилик саноати корхоналарига 2 мингдан ортиқ мутахассис етказиб берди. Бу ерда тўқувчилик, йигирувчилик каби касбларга меҳр қўйган ёшларга тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг билимдонлари устозлик қилмоқда. Суратда: билим юрти талабалари амалий машғулотда.

В. Молгачев фотоси, (ЎзТАГ).

Ахборот

ХОРАЗМ

КЕРАМИКА ЗАВОДИ

Хоразмда ишланган сопол буюмларнинг довруғи жаҳонга азалдан машҳур бўлиб келган. Археологик қазишмалар вақтида топилган ашёлар бобоаолонларимизнинг кулолчилик соҳасидаги юксак маҳоратидан далолат беради.

Партия ва ҳукуматимиз халқ бадиий ҳунармандчилик санъатини ривожлантиришга ҳамиша катта аҳамият бериб келмоқда. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Советининг қарорида Хива шаҳрида бадиий керамика буюмлари заводи қурилиши кўзда тутилганлиги сўзимизнинг далили бўла олади.

Республика Маҳаллий саноат министрлигига қарашли бу завод қисқа муддат ичида қад кўтарди, замонавий ускуналар билан таъминланди. ГДРдан келтирилган ускуналар билан жиҳозланди. Яқинда фойдаланишга топширилган корхона дастлаб йилига 300 минг сўмлик совғабоп сопол буюмлар ишлаб чиқаради. Кейинчалик ишлаб чиқариш ҳаждини ўсади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпаяди.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Урганч гўшт комбинати коллективи «Фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз» шиори остида меҳнат қилиб, қувончли кўрсаткичларга эришяпти. Қисқа вақт ичида саккиз хил маҳсулотга сифат белгиси берилганлиги коллективнинг катта ютуғидир. Булар орасида колбасанинг «Московский», «Киевский» хиллари ва «Тошкент қазиси» ҳам бор. Сифат ва самарадорликка эришишда комбинат байроқдорликни қўлда сақлаб, мусобақада ғолиблар safida бораётир.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Каттақўрғон шаҳридаги маҳаллий саноат фабрикасида сифат социалистик мусобақанинг бош шарти деб белгиланган учун ҳам маҳсулотлар сифати тобора яхшиланиб, харидоргир бўлиб бормоқда. Суратда: социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, шу кунларда 1978 йил ҳисобига ишлаётган фабрика чеварларидан Шаҳрибону Ҳалилова билан Зулфия Шукуровалар.

Т. Каримов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОРОЛ «АЖДАҲО»СИ СИРЛАРИ

Индонезиянинг Комодо оролида яшайдиган ва тарихдан аввалги йиртқич калтакесакларнинг авлоди бўлмиш улкан эчкиэмар — ер куррасида сақланиб қолган энг нодир ва сирли ҳайвонотлардан биридир.

Явадан шарқдаги шу оролда ҳозирги вақтда беш мингга яқин улкан эчкиэмар бор. Уларнинг узунлиги беш метрга боради, вазни эса 100—150 килограмм келади. Маҳаллий аҳоли «аждаҳо» деб атайдиган шу ҳайвонинг кучи энг катта тимсоҳникидан қолишмайди, маккорлик ва чаққонлик жиҳатидан эса тропик чангалзорлардаги энг хавфли ва қонхўр ҳайвонотлар билан рақобатлаша олади. Шунинг учун ҳам оҳу, маймун ва тўнғиз баъзида «аждаҳо»нинг қурбони бўлиб туради.

Улкан эчкиэмарнинг характерли хусусияти шуки, у ер куррасининг Комодо оролидан ташқари бошқа районларида яшай олмайди.

Афсуски, Комодо оролидаги бу эчкиэмарлар насли битаётган ҳайвонотлар рўйхатига аллақачон ёзиб қўйилган. Индонезиялик мутахассислар шу ҳайвон билан боғлиқ кўпдан-кўп сирлар очилиб улгургунига қадар сўнгги «аждаҳо» ер юзидан йўқолиб кетмасмикин, деб хавфсираяптилар. (ТАСС).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/XI да **Ёш ижрочилар иштирокида балет кечаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XI да **Келинлар кўзғолони,** 14/XI да **Бой ила хизматчи** (12.00), **Оқшомдан тушгача.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/XI **Комедия, комедия, ёхуд ҳангома,** 13/XI да **Кўнгли ёш қариялар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/XI да **Скапеннинг ҳийласи,** 13/XI да **Тинмасин соз.**

Кино

Малика Кагуа — «НУКУС» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қора ботинкали новча киши; Новча кишининг қайтиши; — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.40).

Юксалиқдан нўқиш — «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Жаноб Септим ресторани — «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Уни мен ўлдирдим — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Дельфин куни — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Шов-шув — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

«Узбекконцерт»
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
13 ноябрь соат 17.00 ва 20.00 да, 12, 14, 15 ноябрь соат 20.00 да
ТУРКИЯ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Билетлар соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
институтга кирувчиларни кириш имтиҳонларини топшириш тайёрлайдиган
7 ОЙЛИК
КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ХИМИЯ, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ҲАФТАДА УЧ МАРТА (18.40 дан 21.40 гача) **УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (нусхаси), (10 синф ўқувчилари мактабдан справка топширадилар). 3x4 см ҳажмда 2 та фотосурат, иш жойидан справка.

МАШҒУЛОТЛАР — 1-ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент—100, Горбунов кўчаси, 5-уй. Тайёрлов курсларн.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Горнчилар, қаердасиз? 11.15 — **Номингни унутма** (бадиий фильм). 12.55 — Миллионлар ленинча университети. 15.20— В. Кожевников ижоди. 16.05— Москва ва москваликлар. 16.35 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 17.45 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 18.15— Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Концерт. 19.30 — **«Бизнинг биография. 1918 йил».** 20.30 — Оперетта артистларининг концерти. 21.30 — **«Вақт».** 22.00 — Катталар учун мультфильмлар. 22.15 — Хоккей: ЧССР—СССР. 2—3-бўлимлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Биология. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — **Бонивур қалби** (бадиий фильм, 2-серия). 18.10 — Касбим-фахрим. 18.40 — Иқтисодий билимлар — оммага. 19.10 — **«Ахборот».** 19.25 — Кино оламида. 20.25 — **«Ахборот».** 20.45 — И. Акрамов, З. Шокиров. **«Адолат»** (спектакль). 21.30 — **«Вақт»** (Москва). 22.00 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.15 — Спектаклнинг давоми. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — **Лирик қўшиқлар.** 9.30 — Беполён Ватаним менинг. 11.15 — **КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленуми қарорлари — жанговар программамиздир.** 11.30 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг хори ижро этади. 12.10 — **Ўзбекистан индустриальний.** 13.30 — Иттифоқчи республикалар эстрадаси. 14.00 — **Пахта етиштиришни кўпайтириш — интернационал бурчимиз.** 16.10 — Бетховен сонати. 19.00 — Саломатлик — туман бойлик. 19.20 — Юность Узбекистана. 20.00 — Москва. Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар. 21.15 — Сизни рақсга таклиф этамиз. 22.00 — **Пахтакорлар учун концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — **О. Матчон.** «Беруний» поэмаси асосида радиопиеса.

Об-ҳаво

Бугун кундузи республиканинг ҳамма районларида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқ томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 1-6, жанубда 4-9 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, ғарб томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 2-4 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» матбуот тарқатиш бошқармаси Андижон область «Союзпечать» агентлигининг собиқ бошлиғи

Бегмат Мусабекович МУСАБЕКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти коллективи катта илмий ходим Т. Неъматова отаси

Неъматулла РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 20291. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. — 266.